

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

44-сон
(1012)
2021 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

652. «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги ПҚ–5272-сон қарори
653. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги ПҚ–5273-сон қарори
654. «Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги ПҚ–5274-сон қарори
655. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 ноябрдаги ПҚ–5277-сон қарори
656. «Ургут» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-

- тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 ноябрдаги ПҚ–5278-сон қарори
657. «Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5279-сон қарори
658. «Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5280-сон қарори
659. «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5281-сон қарори
660. «Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5282-сон қарори

Учинчи бўлим

661. «Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 664-сон қарори
662. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркировкалаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 665-сон қарори
663. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талаба-ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 ноябрдаги 674-сон қарори
664. «Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртки ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 ноябрдаги 675-сон қарори

Бешинчи бўлим

665. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 60-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 5 октябрдаги 2021-38-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 1 октябрдаги 01-02/8-46-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-4*)
666. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 октябрдаги 31-сон «Мажбурий тиббий қўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3330*)
667. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 24-мх-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-2*)
668. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги 6-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-2*)
669. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги 5-сон ««Биринчи гуруҳга шоли етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2640-1*)
670. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 146-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-

ришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-2*)

671. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 28 октябрдаги 46-2021-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192-1*)
672. Ўзбекистон Республикаси фавкулудда вазиятлар вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 302-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3331*)
673. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 148-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-2*)
674. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 147-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-2*)
675. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 4 ноябрдаги 18-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-7*)
676. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 150-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби

тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-1*)

677. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 26 октябрдаги 31-тн-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****652 Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида***

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқиш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг барча ташкилий бўғинлари ва босқичларини узлуксиз молиялаштириш, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан Молия вазирлигига Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар миллий валютада 5 йил муддатга фоизсиз ажратилсин.

2. Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Фаниев Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш билан боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
ПҚ—5272-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги
ПҚ-5272-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5041-сон қарорининг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 4-банди асосида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган 1,5 трлн сўм кредит ресурсларининг тижорат банклари томонидан қайтарилмаган қисмида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан 2026 йилда қопланишини таъминласин.

Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қопланган маблағлар миқдоридаги ваколатли банкларнинг мажбуриятлари Молия вазирлиги фойдасига қайта расмийлаштирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 майдаги «Худудларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5125-сон қарорининг 2-бандида:

иккинчи хатбошидаги «2022-2023 йилларда» сўзлари «2026 йилда» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «давлат активларини хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**653 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4563-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида транспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилиши устидан замонавий ва самарали назоратни ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
ПҚ-5273-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги
ПҚ-5273-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 декабрдаги «Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «4P87 Фузор — Чим — Кўкдала автомобиль йўлини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғри-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

сида»ги ПҚ-1671-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матни 8-банди «Всего*» устунидаги «100» рақами «126» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «М39 Тошкент — Термиз автомобиль йўлини реконструкция қилиш» ҳамда «Саудия тараққиёт жамғармаси ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «4Р87 Фузор — Чим — Кўкдала автомобиль йўлини реконструкция қилиш» лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3011-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-бандидаги «1 ноябрь 2020 года» сўзлари «1 июля 2022 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4545-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республика ҳудудида (Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари бундан мустасно) автотранспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларини назорат қилиш, шунингдек, автомобиль йўллари бўйлаб оғир вазнли ва/ёки йирик габаритли автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун йиғимлар ундириш ва рухсатномалар бериш Қўмита томонидан амалга оширилади»;

б) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чет давлатлар автотранспорт воситаларининг, шу жумладан республикага кириб келаётган оғир вазнли ва/ёки йирик габаритли транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтиши учун йиғимлар ва тўловлар амалга оширилиши, шунингдек, ташувчилар томонидан транспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилиши устидан назорат божхона органлари томонидан амалга оширилади;

б) 2021 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтиши учун йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига;

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

10 фоизи — Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида автотранспорт воситаларининг вазн ва габарит параметрларини қайд этувчи (ҳар бир ўққа тушадиган оғирликни аниқлаш имкониятига эга) махсус автоматлаштирилган ўлчаш воситалари билан жиҳозланган замонавий назоратни ташкил этиш ҳамда ушбу божхона постлари ҳудудидаги ички автомобиль йўлларини тегишли ҳолатда сақлаш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда божхона органларининг бюджетдан ташқари жамғармасига».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**654 Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини тақомиллаштириш тўғрисида***

Республикада инвестицион муҳитни янада яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига (бундан давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз ости маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мустасно) умумий майдони 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкаларига ва (ёки) бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқларни тўлашни олти ой муддатга кечиктириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, кечиктирилган солиқлар суммаси давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкалари, бино ва иншоотлар қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқлар миқдорида белгиланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган ҳуқуқий нормалар доирасида:

солиқларни тўлашни кечиктириш ҳуқуқи ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой муддат ичида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилган ва унинг тўланишини таъминлаш (гаров) талаб этилмаган ҳолда амалга оширилади;

солиқларни тўлашни кечиктиришнинг амал қилиш муддати давлат солиқ хизмати органларига белгиланган тартибда хабарнома юборилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда унинг тугаган санасидан бошлаб кечиктирилган солиқ суммаси ҳисобланган фоизлар билан бирга тенг улушларда бир йил давомида тўлаб берилади. Бунда, солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини беришдан фойдаланганлик учун фоизлар солиқлар кечиктирилган санадан бошлаб Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳисобланади;

ер участкаси ва (ёки) бино ва иншоотлар солиқ тўловларини кечиктириш муддати давомида реализация қилинган ёки ижарага берилган тақдирда, мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича кечиктириш муддати давомида ҳисобланган солиқ суммаси тўлиқ миқдорда ундирилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

солиқ қонунчилигини бузиш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар гуруҳига киритилган тадбиркорлик субъектларига солиқларни тўлашни кечиктириш тақдим этилмайди.

3. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган солиқларни тўлашни кечиктириш муддати тугаганидан сўнг, тадбиркорлик субъектларига солиқларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат хокимияти органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

4. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
ПҚ-5274-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

655 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йил 11 мартда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбек-Қирғиз тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Битим) тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Битимни амалга ошириш учун масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Л.Ш. Кудратов ва инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А. Вафаев Ўзбекистон Республикаси томонидан Ўзбек-Қирғиз тараққиёт жамғармасининг кенгаши аъзолари ҳисобланади;

Ўзбек-Қирғиз тараққиёт жамғармасининг устав капиталида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати улушини шакллантириш, истисно тариқасида, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига босқичма-босқич ажратиладиган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ташқи ишлар вазирлиги қирғиз томонига Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришномани юборсин.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ жорий йилда Ўзбек-Қирғиз тараққиёт жамғармасига ўзбек томонидан ажратиладиган маблағ юзасидан Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 ноябрь,
ПҚ-5277-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**656 «Ургут» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Самарқанд вилоятининг Ургут туманини янада ривожлантириш, «Ургут» эркин иқтисодий зонасида яратилган қулай бизнес юритиш тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ қилиш, юқори технологиялар асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ҳудуди инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун эркин иқтисодий зона этиб белгилансин.

Бунда, Ургут туманининг ҳудудий чегаралари ичида инновацион юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда «Ургут» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда — «Ургут» ЭИЗ) иштирокчиси мақоми берилади.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг:

1-иловага* мувофиқ жами 580,8 гектар ер майдонларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, шундан 273,6 гектар ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ер тоифасига ўтказиш;

ер участкаларини белгиланган тартибда давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда, «Ургут» ЭИЗ дирекциясига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш орқали «Ургут» ЭИЗ ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар Самарқанд вилояти махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг «Ургут» ЭИЗ дирекциясига доимий фойдаланишга берилаётган ер участкаларига нисбатан фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

махаллий хом ашё ва материаллар негизда мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўрта-сида ва, умуман, республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш.

4. «Ургут» ЭИЗнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2022 йилнинг 1 июлига қадар:

Курилиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда «Ургут» ЭИЗнинг янги ҳудудлари бош режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда «Ургут» ЭИЗнинг янги ҳудудларини тасдиқланган бош режаларига асосан муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича куриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда келишиш ишларини яқунласин.

6. Қуйидагилар:

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ДУК «Ургут» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари бўйича буюртмачи этиб;

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг маҳаллий бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар «Ургут» ЭИЗнинг бош режасини, объектлар лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

«Ургут» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош пудрат ташкилоти белгиланган тартибда аниқлансин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш марказининг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда мавжуд штат бирликлари сони доирасида, ходимлари сони 3 та штатдан иборат «Ургут офиси» ташкил этилсин ва унга «Ургут» ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ташаббускорларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қўмаклашиш вазифаси юклансин.

8. Белгилансинки:

«Ургут» ЭИЗ ҳудудида, шу жумладан янги ташкил этиладиган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ПФ–5600-сон Фармонига мувофиқ электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

«Ургут» ЭИЗ ҳудудига ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

9. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки йил муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида «Ургут» ЭИЗ лойиҳаларини жойлаштириш учун ажратилаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

10. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда белгиланган тартибда:

икки ой муддатда Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал хом ашё ва инфратузилмани инobatга олган ҳолда, «Ургут» ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар — «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини;

«Ургут» ЭИЗ ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг тадбиркорлик субъектларига етказилишини;

«Ургут» ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, «Ургут» ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомалари сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаковга — вазирликлар, идоралар, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг «Ургут» ЭИЗ ривожланиши ва самарали фаолият юртиши, шунингдек, унинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиш;

энергетика вазири А.С. Султанов, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов, транспорт вазири И.Р. Махкамовга — «Ургут» ЭИЗ ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

уч ой муддатда «Ургут» ЭИЗнинг янги хуудларини муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан таъминлаш учун Араб мувофиқлаштириш гуруҳи институтларининг зарур маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йилнинг 1 февраль ва 1 июль санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 ноябрь,
ПҚ-5278-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

657 Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Спорт-таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг рақамлаштирилган янги тизимини жорий қилиш, кучли олимпия захирасини яратиш орқали спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик халқаро мусобақаларда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

иштирок этиши ҳамда юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Олимпия захиралари коллежлари негизда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос таълим муассасаси шаклидаги олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, 2022/2023 ўқув йилидан (2022 йил 1 сентябрдан) бошлаб:

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари контингенти фақат олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича шакллантирилади (бундан миллий кураш ҳамда алоҳида Ҳукумат қарорлари билан белгиланган спорт турлари мустасно);

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси тавсиясига асосан олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг тегишли паралимпия спорт турлари бўлимларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 10 фоизгача қўшимча квоталар ажратилади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида таълим жараёни умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус профессионал таълим босқичларида амалга оширилади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига қабул квоталари ҳар бир спорт турининг хусусиятидан (вазн тоифаси, спортчилар сони, шу жумладан спортчи-аёллар сони, жамоавий спорт турлари бўйича тегишли спорт турида иштирок этадиган спортчилар сони ва бошқалар) келиб чиқиб шакллантирилади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, шунингдек, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида қабул квоталари эркаклар ва аёллар учун 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб тенг равишда белгиланади (2022/2023 ўқув йилида аёллар улуши 30 фоиз, 2023/2024 ўқув йилида — 40 фоиз, 2024/2025 ўқув йилида — 50 фоизни ташкил қилади);

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари мавжуд моддий-техник базасидан келиб чиқиб ҳудудларда ривожланган олимпия ва паралимпия спорт турларига ихтисослаштирилади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови бекор қилинади ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари директорлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ва жамоатчилик вакилларига ушбу қарорда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ҳар йил якуни бўйича ҳисобот беради ва унинг натижасига кўра улар фаолиятига халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан баҳо бериб борилади. Бунда, баҳо натижалари коллежлар директорларини рағбатлантириш (шу жумладан бошқа лавозимларга кўтариш) ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш (шу жумладан лавозимидан озод қилиш) учун асос бўлиб хизмат қилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, спорт федерация (ассоциация)лари олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига жойлардан иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралашга (селекция) яқиндан кўмаклашади, ушбу ишларни амалга ошириш учун бошқа спорт-таълим муассасалари билан доимий алоқа ўрнатилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, олимпия спорт турлари бўйича спорт федерация (ассоциация)лари ҳудудларда селекционер лавозимини жорий этади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов):

Молия вазирлиги ва спорт федерация (ассоциация)лари билан бирга-ликда уч ой муддатда 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига қабул параметрларини тегишли ҳудудлардаги аҳоли, спорт билан шуғулланувчилар, спорт-таълим муассасалари сони ва бошқа муҳим кўрсаткичлардан келиб чиқиб ошириш орқали шакллантириш, олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида олимпия ва паралимпия спорт турларини кўпайтиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида ажратилган маблағлар доирасида хўжалик хизматларини аутсорсинг асосида амалга оширишни йўлга қўйсин;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларидаги ноолимпия спорт турлари бўйича йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар ушбу коллежларни тўлиқ тамомлагунга қадар ўқитилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) мазкур қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 июнга қадар олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига 2022/2023 ўқув йили учун қабул параметрларини тасдиқласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йилдан бошлаб туман (шаҳар)да олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича расмий спорт мусобақаларини ўтказишни молиялаштириш учун 110 миллиард сўм маблағ ажратилади (республика бюджетидан — 55 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан — 55 миллиард сўм) ҳамда ушбу мақсадлар учун ҳар йили ҳар бир туман (шаҳар)га 300 миллион сўмдан 1 млрд сўмгача берилади. Бунда, ушбу маблағларнинг ажратилганлиги ва унинг харажатлари «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилади;

ҳар бир маҳалла, умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус профессионал таълим муассасасида жамоавий спорт турлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол ва бошқалар) бўйича жамоалар тузилади. Бунда, маҳалладаги жамоаларга — спорт-таълим муассасалари тренерлари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларидаги жамоаларга — жисмоний тарбия ўқитувчилари масъул этиб белгиланади;

олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларининг 3-4-курсларида таҳсил олаётган талабаларга мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия йўриқчиси, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт-таълим муассасаларида

тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилади ҳамда уларга ўрта-махсус маълумотли педагогнинг базавий тариф ставкалари бўйича ҳар ойда иш ҳақи тўлаб борилади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига мақсадли тайёргарлик кўраётган спортчи, тренерлар ва бошқа мутахассисларга, шу жумладан хорижий спорт мутахассисларига Давлат бюджетидан тўланадиган ойлик иш ҳақлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган мезонлар асосида тўлаб берилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ республикада халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси ёки халқаро гроссмейстер, Ўзбекистон спорт устаси ёки Ўзбекистон гроссмейстери спорт унвонлари, шунингдек, Ўзбекистон спорт усталигига ёки Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод, биринчи, иккинчи ва учинчи спорт разрядлари, ўсмирлар учун биринчи, иккинчи ва учинчи спорт разрядлари белгиланган.

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактабларида 2022 йил 1 январдан бошлаб унвонли ва разрядли спортчиларни давлат буюртмаси асосида тайёрлаш тизими жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

давлат буюртмаси асосида тайёрлаш тизими спорт-таълим муассасаларининг ўқув йили бошидан бошлаб режали ишлашни ташкил этиш, улар раҳбарияти ва тренерлар таркибининг масъулиятини ошириш, спорт объеклари ва иншоотларидан самарали фойдаланиш, бюджет маблағларини тўғри ишлатиш мақсадида жорий қилинади;

давлат буюртмаси асосида тайёрлаш тизими спорт-таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, тренерларнинг сифат таркиби, шуғулланувчиларнинг сони ва бошқа муҳим кўрсаткичлардан келиб чиқиб шакллантирилади;

давлат буюртмаси асосида унвонли ва разрядли спортчилар спорт турлари реестрига киритилган ҳамда ягона спорт таснифи мавжуд бўлган спорт турлари бўйича тайёрланади;

спорт унвонлари ва разрядлари спортчиларга умрбод берилади;

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларига лицензияларни қўлга киритиш учун саралаш мусобақалари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун номзодлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркиблари биринчи навбатда унвонли ва разрядли спортчилар орасидан танлаб олинади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов):

хар йили тегишинча 1 август ва 1 январга қадар спорт-таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган унвонли ва разрядли спортчиларнинг давлат буюртмасини тасдиқласин;

икки ой муддатда 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турларидан келиб чиқиб спорт турлари реестрини қайта тасдиқласин.

5. Белгилансинки, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларига ўқувчиларни қабул қилишда уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларини муваффақиятли топширганлиги муҳим мезон ҳисобланади;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятига спортга кенг жалб қилинган болалар ва ўсмирлар, давлат буюртмасига асосан тайёрланган унвонли ва разрядли спортчилар, республика ва халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, олимпия ва паралимпия захиралари коллежларига қабул қилинган ўқувчилар сонига қараб баҳо берилади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолиятига давлат буюртмасига асосан тайёрланган унвонли ва разрядли спортчилар, спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркибига киритилган спортчилар, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари) ғолиблари ва совриндорлари сонига қараб баҳо берилади;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари раҳбарларининг спорт бўйича ўринбосарлари ва тренерлари ҳар ярим йилда камида бир марта умумий ўрта таълим мактабларига бевосита ташриф буюриб, иқтидорли ёшларни тегишли спорт-таълим муассасаларига жалб қилиш бўйича селекция ишларини амалга оширади;

олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланғунига қадар катталар ва ёшлар ўртасида Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спортнинг олимпия ва паралимпия турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида охирги тўрт йилда, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1 — 3 ўрин) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишларига қўшимча давлат гранти асосида кундузги, сиртки, кечки таълим шаклларига имтиҳон синовларисиз қабул қилинади;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг ўрта махсус профессионал таълим босқичининг махсус спорт фанларини муваффақиятли (аъло баҳода) тамомлаган битирувчилар Ўзбекистон давлат жисмоний тар-

бия ва спорт университети ва унинг филиалларига ҳамда олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларига тўғридан-тўғри иккинчи босқичга яқка тартибдаги суҳбат орқали давлат гранти асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиалларида 3-4-курсларда таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти уларнинг яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, тегишли йўналишлар бўйича устувор равишда давлат спорт-таълим муассасаларида ташкил этилади;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиаллари битирувчиларига яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да жойлашган давлат спорт-таълим муассасаларида 4 йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади.

6. Республика олимпия захиралари коллежи базасида уч йиллик «специалитет» дастурни амалга оширадиган давлат олий таълим муассасаси шаклидаги ихтисослаштирилган Олий спорт маҳорати институти ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Олий спорт маҳорати институтига фақат олимпия ва паралимпия захиралари коллежларини битириб олимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзолари бўлган ёшларнинг спорт натижаларига қараб ҳамда селекция бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Туризм ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Олий спорт маҳорати институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

7. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов):

уч ой муддатда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини тубдан қайта кўриб чиқиб, янги такомиллаштирилган тизимни жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда туман (шаҳар) марказларида жойлашган спорт-таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш эвазига 2022 — 2025 йилларда уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг бюджетдан ташқари тушадиган тушумлари ҳисобига қопланадиган улушини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича режа-жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022 йил 1 мартга қадар барча давлат спорт-таълим муассасалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда тренерларини аттестациядан ўтказсин ҳамда унинг натижаси асосида чуқур билим, тажриба ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 апрелга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда спорт-таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиб, янги такомиллаштирилган тизимни жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилансинки, 2022 йил 1 августдан бошлаб ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) махсус спорт тизимини бошқариш платформаси (кейинги ўринларда — Платформа) орқали амалга оширилади.

Бунда:

Платформа Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ИТ-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади;

Платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон спорт делегациясининг 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган ёзги XXXII Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши харажатлари сметаси доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Платформа ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари)нинг барча босқичлари билан боғлиқ ҳужжатларни рақамлаштириш, барча спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш, Давлат бюджетидан спорт соҳаси, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика ва ҳудудий календарь режалари учун ажратиладиган маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назоратини амалга ошириш, улар бўйича ҳисоботларни шакллантириш, спорт-таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини назорат қилиш ва ишлатилиши шаффофлигини таъминлайди;

Платформа спорт синовларининг платформаси (www.jtdss.uz) билан интеграция қилинади;

спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) мақсадида Платформада видеохостинг жойлаштирилади;

Платформада жойлаштирилган энг яхши қисқа метражли видеороликлар спорт соҳасининг малакали мутахассислари хулосаларига асосан танлаб олинади, энг яхши қисқа метражли видеороликни жойлаштирган шахслар Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади;

Платформани ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ҳамда кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Туризм ва спорт вазирлигига юклатилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги мазкур банддаги вазифаларни тўлиқ амалга оширсин ҳамда Платформанинг 2022 йил 1 июлга қадар ишга туширилишини таъминласин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра спорт турлари бўйича:

а) Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари):

1-босқич — маҳалла (муассаса) микёсида;

2-босқич — туман (шаҳар) миқёсида;

3-босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида;

4-босқич — республика миқёсида амалга оширилади;

б) Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари)нинг финал босқичларида фақат мазкур мусобақаларнинг қуйи босқичларида голибликни қўлга киритган ва тегишли ҳужжатларни Платформага жойлаштирган жамоалар (якка спортчилар) иштирок этади. Бунда, ушбу талабларга риоя қилинмаса жамоалар (якка спортчилар) иштирок этишига йўл қўйилмайди;

в) Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари) билан кетма-кетликда мавжуд паралимпия спорт турлари бўйича ҳам шу тартибда мусобақалар ўтказилади.

10. Спорт-таълим муассасаларига ёш ўқувчи-спортчилар билан ишлаш тажрибасига эга ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган хорижий мутахассислар (тренер, ўқитувчи ва бошқалар)ни жалб қилишнинг қуйидаги тизими жорий қилинсин:

Туризм ва спорт вазирлиги спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олимпия ва паралимпия захиралари коллежида камида битта спорт туридан хорижий мутахассис (тренер ва ўқитувчилар)ни жалб қилади ва хорижий мутахассис иштирокида маҳаллий спортчиларни тайёрлаш методикаси такомиллаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлиги спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда хорижий мутахассисларга 3 — 5 нафар малакали маҳаллий мутахассислар ҳамда талабаларни бириктирган ҳолда тажриба алмашиш йўлга қўйилади ҳамда тренерлар «Олтин фонди» яратилади;

хорижий ҳамда маҳаллий мутахассислар ва ўқувчи-спортчилар иштирокида Туризм ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ маҳорат сабоқлари, семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилади;

олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг бош (катта) тренерларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шу жумладан хорижий спорт мутахассисларини ишга қабул қилиш Туризм ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади;

Ташқи ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги буюртманомаларига кўра олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт-таълим муассасаларига жалб қилинган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди;

Ички ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги буюртманомаларига кўра олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт-таълим муассасаларига жалб қилинган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар берилишини ва кўп марталик визалар муддати узайтирилишини

ҳамда улар Ўзбекистон Республикасида яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинishi ва муддати узайтирилишини таъминлайди.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ажратилган маблағлар доирасида:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин;

Кинематография агентлиги билан биргаликда ёшларнинг спортга кириб келишидан бошлаб уларнинг юқори натижаларга эришиш йўли, нуфузли мусобақалардаги иштироки ва бугунги кундаги ҳаёти тўғрисида қисқа метражли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, видеороликлар, махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон чемпионати (кубоги), мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли халқаро мусобақалар (турнирлар)нинг улар ўтказилишидан камида икки ой олдин тасдиқланган медиа-режа асосида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилинишини амалиётга жорий этсин.

12. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 ноябрь,
ПҚ-5279-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**658 Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида***

Спорт-таълим муассасалари фаолияти ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, уларда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан уларни бошқариш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, моддий-техник ва ресурс имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастурини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ;

Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастурининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага** мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) спорт бино ва иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари фақатгина олдиндан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосномага мувофиқ амалга оширилади;

б) олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш учун Давлат бюджетидан 2022 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили қўшимча:

қурилиш-таъмирлаш ишларига — 50 миллиард сўм;

замонавий спорт жиҳозлари, технология воситалари, асбоб-ускуналар ва махсус спорт кийимлари билан таъминлашга — 10 миллиард сўм;

тиббиёт бўлимларини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тиклантирувчи воситалар билан жиҳозлашга — 10 миллиард сўм;

замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилишга — 2 миллиард сўм маблағ ажратилади.

3. Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров):

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларда ўрганишлар олиб борган ҳолда, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари учун қўшимча қуриладиган замонавий ўқув, ётоқхона, ошхона, тиббиёт бинолари ва спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** 2 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасдиқласин. Бунда, уларнинг спорт иншоотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишни кўзда тутсин;

мазкур қарор асосида объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, уларни инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлиқ ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг тиббиёт бўлимларида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари рўйхатини тасдиқласин;

2021-2022 йиллар давомида олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг тиббиёт бўлимларини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ўқувчиларининг ҳудудлардаги ихтисослаштирилган марказий шифохоналарга махсус контингент сифатида бириктирилишини таъминласин;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда спорт-таълим муассасалари томонидан республика ва жаҳон ахборот-ресурсларидан масофадан туриб фойдаланиш тизимини яратсин;

в) 2022 йил 1 январга қадар:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кутубхонасини спорт турлари, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича 8 000 дона;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари кутубхоналарини спорт турлари, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича 7 000 дона;

бошқа спорт-таълим муассасаларининг кутубхоналарини спорт турлари бўйича 35 000 дона хорижий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, спорт турлари, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича хорижий адабиётларни харид қилиш ва таълим муассасаларига етказиб бериш билан боғлиқ 10 миллиард сўмлик харажатлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Туризм ва спорт вазирлигига 2021 йилда республика бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади, келгуси йилларда ушбу муассасаларнинг кутубхона фондидини бойитиб бориш уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт-таълим муассасалари машғулотларини олиб бориш учун давлат тасарруфида бўлган зарур бино ва иншоотларнинг ижара тўловларисиз уларга тақдим этилишини таъминласин;

д) 2022 йил 1 апрелга қадар олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаётган нодавлат спорт-таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

е) ўз тизимидаги барча турдаги спорт бино ва иншоотларида турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон Фармони доирасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин.

5. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазир А. Абдухақимов билан биргаликда охириги 3 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

қурилган, шу жумладан реконструкция қилинган, мукаммал таъмирланган ва жиҳозланган спорт объектларини;

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа давлат спорт ташкилотлари томонидан амалга оширилган харидлар ва хизматларни жойига чиққан ҳолда ўргансин.

Ўрганиш жараёнида сарфланган маблағлардан оқилона, тежамкор ва самарали фойдаланганлиги, тендер ва танловлар очиқ ва шаффоф ҳолда ўтказилганлиги, коррупцияга йўл қўйилмаганлиги, давлат харидларининг бошқа асосий принципларига тўлиқ риоя қилинганлигига қонуний баҳо берилсин.

6. Спорт-таълим муассасалари ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтини жиҳозлаш ҳамда фаолиятини ташкил этиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Туризм ва спорт вазирлиги томонидан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, махсус транспорт воситалари, мультимедиа маҳсулотлари, тиббиёт тренажёрлари, адабиётлар, сунъий ҳамда табиий майдон қопламалари ва инвентарлар 2024 йил 1 октябрга қадар божхона божидан озод этилсин.

Давлат божхона қўмитаси мазкур бандга асосан хориждан олиб келинадиган товарлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган божхона божи суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Давлат бюджетига ундирилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Давлат бюджети, шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиқ устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс (кейинги ўринларда — давлат улуши мавжуд ташкилотлар) ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)ларининг даромадлари ва харажатлари сметаси ҳар йили 1 декабргача Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

даромадлар ва харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлардан ортиқча харажат қилишга ҳамда сметада кўзда тутилмаган харажатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)лари давлат бюджети ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлари тўғрисидаги батафсил ҳисоботни ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Туризм ва спорт вазирлиги ва ўзларининг веб-сайтларида эълон қилиб боради. Бунда, харажатлар эълон қилинмаганда молиявий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади;

спорт мусобақаларини ўтказиш учун бюджет маблағлари фақат ҳар йили тасдиқландиган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси асосида ажратиб борилади;

Давлат бюджети ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)лари томонидан ўтказиладиган тўловлар Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширилади;

Давлат бюджети ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган спорт тадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан доимий равишда давлат молиявий назорати органлари томонидан назорат ўрнатилади;

амалга ошириладиган харажатларнинг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, харажатларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида барча турдаги харажатлар ҳар ойда мажбурий тарзда махсус спорт тизимини бошқариш платформасида эълон қилиб борилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудларда спорт турларини ривожлантириш бўйича ишларни самарали ташкил қилсин, ҳар йили спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ҳудудий спорт мусобақаларини тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ҳамда юқори савияда ўтказиш чораларини кўрсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) уч ой муддатда:

а) Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган ёзги XXXII Олимпия ўйинла-

рида голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз фаолиятини тарғиб этиш тизимини жорий қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин:

мазкур спортчиларимиз таҳсил олган спорт-таълим ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларда уларнинг ибратли фаолиятига бағишланган кўргазмалар ташкил қилиш;

кўргазмаларга ёшларни кенг жалб қилиш, уларда спорт руҳиятини юксалтириш, болалар ўртасида спорт тарбиясини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда ташкил этиш орқали ёшларни спортга, айниқса, олимпия ва паралимпия спорт турларига жалб қилиш;

б) Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалолов номларидаги спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш ва улар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

в) спортда юсак натижаларга эришиб, спорт жароҳатлари олганлиги ёки спорт фаолиятини ёш кўрсаткичларига кўра тугатган юсак малакали спортчиларни кейинги фаолиятини давом эттириши учун касбга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ажратилган маблағлар доирасида:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин;

Кинематография агентлиги билан биргаликда ёшларнинг спортга кириб келишидан бошлаб уларнинг юқори натижаларга эришиш йўли, нуфузли мусобақалардаги иштироки ва бугунги кундаги ҳаёти тўғрисида қисқа метражли бадий ва ҳужжатли фильмлар, видеороликлар, махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон чемпионати (кубоги), мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли халқаро мусобақалар (турнирлар)нинг улар ўтказилишидан камида икки ой олдин тасдиқланган медиа-режа асосида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилинишини амалиётга жорий этсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 ноябрь,
ПҚ-5280-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги
ПҚ-5280-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Спорт-таълим муассасалари фаолиятини
2025 йилгача ривожлантириш
ДАСТУРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги «2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5160-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастур спорт таълими тизимини ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда улар бўйича дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

**2-боб. Спорт таълими тизимини ривожлантиришнинг
асосий йўналишлари**

Спорт таълими тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларга асосан амалга оширилади:

а) спорт таълими тизимининг мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, малакали профессионал педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш:

тренер-ўқитувчилар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг тегишли йўналишларида таълимнинг педагогика, дидактика, амалий педагогик психология, методика, умумкасбий ва махсус фанларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўқув материалларини ва педагогик баҳолашни ишлаб чиқиш орқали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштириш, педагогик психологияни тушуниш, педагогик компетентлик ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашни кўзда тутган ҳолда тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

спорт-таълим муассасаларида тренер-ўқитувчиларнинг сифат таркибини, хусусан бакалавр даражасига эга бўлган тренерлар сонини босқичма-босқич ошириш;

спорт таълими тизими учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини, шу жумладан ёш кадрлар кириб келишини рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш;

аввало олис ва чекка ҳудудларда жойлашган, ўқувчилар сони кам бўлган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тренерларига қўшимча янги ихтисосликлар ва малакаларни ўзлаштиришга имкон берадиган спорт таълими инфратузилмасини шакллантириш;

спорт таълими соҳасида раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича стандартлаштирилган дастур ишлаб чиқиш ҳамда «Спорт таълими соҳасида менежмент» йўналиши бўйича малака ошириш тизимини яратиш;

спорт-таълим муассасалари раҳбар ходимлари лавозимига номзодлар ўртасида танлов асосида саралаш амалиётини жорий қилиш ва уларни рағбатлантиришни кучайтириш;

тренер-ўқитувчиларнинг масофадан малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ва қамровини кенгайтириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва усулларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

тренерлар тайёрловчи тегишли йўналишидаги олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим йўналишлари учун қабул квоталарини ошириш, Туризм ва спорт вазирлигининг асосланган тавсиясига асосан тренерларга эҳтиёж катта бўлган олис ва чекка ҳудудлардаги абитуриентлар учун умумий қабул квоталари доирасида имтиёзли қабул квоталарини белгилаш механизмини жорий этиш;

ўқувчи-спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний ҳамда техник-тактик даражасини баҳолашга йўналтирилган халқаро тажрибалардан фойдаланиб спортчининг сифат даражасини баҳолаш миллий тизимини яратиш;

тренерларнинг малака талабларини, шунингдек, янгиланган стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган амалий кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

ёш тренерларни, уларнинг хизмат мавқеи ўсишини ҳисобга олган ҳолда, касбий қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликда ишлаш механизмини такомиллаштириш;

спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш;

спорт-таълим муассасаларининг таъсис ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, замонавий бошқарувни жорий қилиш, уларнинг спортчилар, тренерлар ва жамият олдигаги масъулиятини ошириш;

спорт таълими тизимини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган халқаро меъёрлар ва стандартларни имплементация қилиш;

б) иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш:

спорт мусобақаларини ўтказиш механизмларини қайта кўриб чиқиш ва қобилиятли, иқтидорли спортчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, баҳолаш мезонларини мос равишда тегишли халқаро қоидаларга ва мезонларига мослаштириш;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан уларнинг филиалларини ташкил этиш;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари контингентини олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича шакллантириш;

республика олий спорт маҳорати мактабларининг илмий салоҳиятга эга тренерлар жамоасини болалар-ўсмирлар спорт мактабларида иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга ва спорт даражаси сифатини баҳолашга жалб қилиш;

спорт-таълими муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишда шаффофликни таъминлаш;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўқувчиларни қабул қилишда уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларини муваффақиятли топширганлигига алоҳида эътибор қаратиш;

давлат буюртмасига асосан спорт-таълим муассасалари томонидан разрядли ва унвонли спортчилар тайёрлаш тизимини жорий этиш;

худудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг рақамлаштирилган янги тизимини жорий қилиш мақсадида махсус спорт тизимини бошқариш платформасини яратиш ва келгусида унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш;

спорт-таълим муассасалари ўқувчиларининг яқка тартибдаги иш дафтари, карточкалар, тарқатма ва санок материаллари мазмуни ва дизайнини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

етук ва профессионал спортчиларни тайёрлаш учун спорт-таълим муассасаларининг спорт федерация (ассоциация)лари билан ҳамкорлигини қучайтириш;

халқаро тажрибани ўрганиш асосида иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, халқаро спорт майдонларида муносиб қатнашадиган профессионал спортчиларни тайёрлаш учун уларнинг кўникма ва билиминини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш дастурлари ва методикаларини амалиётга жорий этиш;

в) ўқитиш усулларини такомиллаштириш, машғулот жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш:

кичик ёшдан ўқувчиларда соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда спорт турини танлаш, спортда натижага эришишни мустақил режалаштириш қобилиятини ривожлантириш;

замонавий дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мультимедиа иловаларини яратиш;

спорт-таълим муассасалари кутубхоналарини ўқувчилар мустақил тайёрланадиган замонавий (smart) марказларга айлантириш, уларнинг фойдали майдонларини кенгайтириш ва моддий-техник жиҳозлаш, ягона ахборот тизимига бирлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон ресурсларига улаш;

спорт-таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган фанлар асосида тузилган ўқув дастурларидан босқичма-босқич воз кечиш, ўқув режалари ва таълим дастурлари сонини оптималлаштириш;

олимпия ва паралимпия спорт турларининг тарихи, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси, спортчилар ва тренерларни комплекс тайёрлаш каби масалаларга қаттиқ эътибор қаратиш;

г) ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишини таъминлаш:

спорт-таълим муассасалари шуғулланувчилари ўртасида соғлом овқатланиш тамойилларини оммалаштириш;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ўқувчиларини овқатлантириш ҳамда хўжалик хизматларини аутсорсинг шартлари асосида амалга ошириш;

саломатликни муҳофаза қилиш ва спортда фармакологик таъсирга эга дори препаратлари ва бошқа моддалардан қонуний фойдаланиш борасида спортчилар, тренерларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тарбиясида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб бориш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда спорт-таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (буллинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш;

д) жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчиларга кўрсатиладиган спорт хизматлари сифатини яхшилаш:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар таълим оладиган спорт-таълим муассасалари бинолари, иншоотлари, спорт базалари ва бошқа объектларига қўйиладиган талабларни белгилаш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, касбларга ўқитиш учун зарур бўладиган ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчиларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларини махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқалар), шунингдек, тегишли кадрлар (педагог-дефектолог, болаларни рухий-педагогик кузатиш бўйича мутахассислар ва бошқалар) билан таъминлаш;

жамоатчилик ўртасида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган болаларнинг билим олиш ҳамда спорт билан шуғулланиш ҳуқуқи, инклюзив ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчиларнинг мослашиши ва интеграцияси учун олимпия ва паралимпия захиралари коллежаларини махсус жиҳозлар билан таъминлаш;

е) спорт-таълим муассасалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш:

барча спорт-таълим муассасаларини ягона маълумотларни узатиш тармоғига бирлаштириш ҳамда фойдаланиш учун рухсат этилган Интернет тармоғи ресурсларини автоматик филтрлаш орқали «Хавфсиз Интернет» концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

ички локал тармоқларни яратиш, ўқув синфхоналарини, ўқитувчилар ҳамда муассаса маъмуриятини ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари, хусусан, компьютер техникаси, интерактив доска, планшет ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, янгиликлар, хавф-хатарлар ва муаммоларга ўз вақтида муносиб равишда эътибор қаратиш учун ахборот алмашинувининг самарали тизимини шакллантириш;

спорт-таълим муассасаларининг мавжуд дарслик ва ўқув-услубий адабиётларини тўлиқ электрон форматга ўтказиш;

спорт-таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати мониторингини таъминловчи биометрик тизимни жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда спорт таълими тизимида компьютерлаштириш даражасини ошириш;

ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янги авлод дарслик ва ўқув-услубий адабиётларини тайёрлаш ва чоп этишни ташкиллаштириш;

спорт таълими тизими бошқаруви соҳасига илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

бюджетдан ташқари манбалардан, ҳомийлардан маблағлар тушиши ва

тақсимланишини назорат қилиш мақсадида рақамли онлайн-платформаларни яратиш;

спорт таълими тизимида мультимедиа махсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш чораларини кўриш;

электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон китоблар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

спорт-таълим муассасаларида ўқувчиларнинг спорт натижаларини QR-кодлантириш;

ж) спорт таълими тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмини яратиш:

спорт таълими тизими давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

спорт таълими тизимида давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини кучайтириш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш орқали спорт-таълим муассасалари ва аҳоли билан ўзаро ишлашда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш;

иш вақти ва моддий ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига спорт таълими тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

спорт-таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш борасида улар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

спорт-таълим муассасаларидаги ускуналар, махсус транспорт воситалари, компьютер техникаси, мультимедиа махсулотлари, тиббиёт тренажёрлари, адабиётлар, қурилиш материаллари, сунъий ҳамда табиий майдон қопламалари ва инвентарлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш;

спорт мусобақалари, конференция, кўرғазма ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали мамлакатнинг спорт таълими соҳасидаги ютуқларини кенг ёритиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

з) спорт-таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш:

илфор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида илфор технологиялар ва муҳандис ечимларига таяниш, мазкур ишларни амалга оширишда инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан кенг фойдаланиш, уларни шинамлиқ ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

спорт таълими тизимида қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий секторни спорт-таълим муассасаларининг қувватларини оширишга янада рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш;

нодавлат спорт-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, спорт таълими тизимида рақобат муҳитини ошириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт-таълим муассасаларидан етишиб чиққан Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари (кубоклари) голиб ва совриндорлари бўлган спортчиларнинг мактаблари (клублари)ни ташкил этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

оилавий нодавлат спорт таълими тизимини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

«Замонавий спорт иншооти» лойиҳасини амалга ошириш, унинг доирасида спорт-таълим муассасалари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги спорт иншоотларни барпо этиш ва муқаддам қурилган янги биноларни замонавий иншоотлар намунасига мослаштиришни таъминлаш;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежларида тиббиёт бўлимларини ташкил этиш, уларни кардиология, травматология, стоматология ва бошқа зарур йўналишлар бўйича замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилиш;

спорт-таълим муассасаларининг ўқув хоналари ва лабораторияларини замонавий мебель, жиҳозлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникалари, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

спорт-таълим муассасаларида пуллик хизматларни кўрсатишни кенгайтириш, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш амалиётини жорий этиш;

спорт-таълим муассасаларини электр энергияси, табиий газ, кўмир, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**659** 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида*

Барча спорт турларини ривожлантириш орқали ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар сонини кўпайтириш, 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) спортчиларимизнинг ҳар томонлама тайёрлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва рақамлаштириш, олимпия ва паралимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича юқори натижадор ва олимпия спортчилар захирасини яратиш, лицензиялар сонини сезиларли даражада кўпайтириш;

спорт менежментини такомиллаштириш, ҳар бир бўғинни аудитдан ўтказиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

спорт фармакологияси, психологияси, тиббиёти, диетологиясини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш, улар натижасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун талабгорлар орасида аёл спортчилар улушини ошириш, Ўзбекистон спортчилари ўртасида гендер тенгликни таъминлаш;

спорт базалари ва иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий стандартларга жавоб берадиган янги спорт объектларини барпо этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

мамлакатимизда белгилаб берилган паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Қуйидагилар:

2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш дастури 1-иловага** мувофиқ;

2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўрувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингенти 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичлар:

Олимпия ўйинлари бўйича 244 та дастурда иштирок этиш ҳамда 26 та спорт турлари бўйича 103 та лицензияни, шу жумладан 8 та истиқболли олимпия спорт турлари бўйича (бадминтон, стол тенниси, қояни забт этиш, сув полоси, синхрон сузиш, сувга сакраш, от спорти, триатлон) 31 та дастурда иштирок этиш ва лицензияларни қўлга киритишни;

Паралимпия ўйинлари бўйича 476 та дастурда иштирок этиш ҳамда 12 та спорт турлари, шу жумладан бочча, парастол тенниси, паракамондан отиш, паравелоспорт бўйича жами 105 та лицензияни қўлга киритишни назарда тутади.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухақимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев):

а) спорт менежментини (бошқарувини) тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

уч ой муддатда катта тўртлик («big four») аудиторлик ташкилотларидан бирини жалб қилсин;

жалб қилинган аудиторлик ташкилоти билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш чораларини кўрсин;

аудиторлик ташкилотини жалб қилиш ва аудитдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон спорт делегациясининг 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши харажатлари сметаси доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин;

2022 йил 1 июлга қадар жисмоний тарбия ва спорт, спорт федерация (ассоциация)ларининг бошқарувини такомиллаштириш, шу жумладан уларда ўзини ўзи молиялаштириш тизимини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

б) Мақсадли кўрсаткичлардаги олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича дастурларда спортчиларнинг иштирокини таъминласин, бу борада спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг фаолиятини самарали ташкил этсин;

в) икки ой муддатда спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари вақант лавозимларини тўлдириш, шунингдек, паст натижаларни кўрсатган, ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланмаган ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўйган федерация (ассоциация)лар раҳбарлари лавозимларига янги номзодлар бўйича таклиф киритсин;

г) спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари билан биргаликда Мақсадли кўрсаткичлардаги дастурларда қатнашиш ва лицензияларни қўлга киритиш бўйича масъул эканлиги белгилансин.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Халқаро олимпия қўмитаси томонидан 2020 йил декабрда қабул қилинган қарорга асосан 2024 йилдаги Олимпия ўйинларида илк бор гендер тенглик таъминланиб, эркаклар ҳамда аёллар учун қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар сони тенг равишда белгилаб берилди.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов) спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда 2024 йилдаги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидагиларни амалга оширсин:

икки ой муддатда аҳоли ўртасида гендер тенглик тамойилларини «маҳаллабай» тизими асосида таниқли спортчилар иштирокида тарғиб қилиш дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун талабгорлар ўртасида аёл спортчилар улушини ошириш чораларини кўрсин. Бунда, уларнинг эркак спортчилар сонидан фарқи $+/-3$ фоизгача бўлишини таъминласин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олимпия захиралари спортчиларини тайёрлашга ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида аёллар учун қабул квоталарини ошириш чораларини кўрсин;

мамлакатимиз спортчиларини тайёрлашда гендер тенгликни таъминлаш бўйича бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ бириктирилаётган спорт базаларидан спорт федерация (ассоциация)лари томонидан эркин ва доимий равишда фойдаланилишини, зарур шарт-шароитлар (электр энергияси, газ, сув, таъмирлаш ишлари) яратилишини таъминласин. Бунда, ушбу чора-тадбирлар спорт базаларини балансда сақловчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) билан биргаликда:

миллий терма жамоалар спортчиларининг йил давомида доимий узлуксиз ўқув-машғулот йиғинлари, халқаро мусобақа ва турнирларда мунтазам иштирокини таъминлаш, малакали маҳаллий ва хорижий тренерлар ҳамда бошқа мутахассисларни жалб қилиш;

миллий терма жамоаларнинг ўқув-машғулот, мусобақа ва турнирларга тайёргарлик жараёнига илғор инновацион, илмий-методик технологияларни жорий этиш ҳамда спортчиларни тиббий ва фармакологик таъминлаш, уларда спортчиларнинг иштирокини даврида илмий жиҳатдан таҳлил қилиш

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича мутахассислар (тренерлар, шифокорлар, физиологлар, диетологлар, илмий таҳлилчилар ва бошқалар) гуруҳларини ташкил этиш;

2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) бажарилишини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга кўмак бериш ва методик ёрдам кўрсатиш, кўрилатган чоралар натижалари, миллий терма жамоаларнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги аҳволи, Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш;

манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда спорт федерация (ассоциация)ларини жалб қилган ҳолда спорт базаларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, миллий терма жамоаларни тайёрлаш учун қулай ижтимоий, маиший ва моддий шароитлар тайёрлаш бўйича ишларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этишни таъминласин.

7. 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига тегишли шарт-шароитлар яратиш учун уларни вазирлик, идора ва йирик ташкилотларга бириктирсин, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг аниқ вазибаларини белгиласин;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш учун зарур бўладиган бюджет, бюджетдан ташқари, шунингдек, хомийлик маблағлари миқдорини кўриб чиқсин ва белгиласин;

Дастурда назарда тутилган ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин, Дастурга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриб борсин;

бир ой муддатда Республика комиссиясининг кенгайтирилган биринчи йиғилишини ташкиллаштирасин. Бунда, мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, спортга давлат томонидан берилаётган эътибор, вазибаларни сўзсиз бажариш зарурлиги, паст натижа кўрсатган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши ҳақида етказилсин;

икки ой муддатда спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида (мусобақаларни ҳар бир босқичда ўтказиш, спортчиларни саралаб олиш, тренерларни жалб қилиш, спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш,

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

норматив ва имтиҳонларни топшириш ва бошқалар) коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

а) Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишилган ҳолда икки ой муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига миллий терма жамоа спортчиларининг сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида Мақсадли кўрсаткичлар бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда, қўйидагилар назарда тутилсин:

спорт базаларининг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қурилиши, қайта қурилиши, капитал таъмирланишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ ишлатилиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари, шу жумладан автотранспорт воситалари билан таъминлаш;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший шароитларини яхшилаш;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган ҳудудий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа спорт мутахассисларининг республика ва халқаро спорт тадбирлари ҳамда ўқув-машғулот йиғинларида узлуксиз иштирокини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5924-сон Фармони билан устувор, истиқболдаги, ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда мазкур Фармон билан белгиланган тегишли спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

в) жойларда олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этсин, шунингдек, уларнинг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашсин;

г) жойлардаги раҳбар кадрлар орасидан номзодларни спорт федерация (ассоциация)лари ҳудудий бўлинмаларининг раҳбари лавозимига тавсия этиш чораларини кўрсин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари, жиҳозлари, ускуналари, сунъий спорт майдонлари ва уларнинг ёрдамчи ускуна-

лари (шу жумладан, махсус машғулот тренажёрлари, замонавий илмий технология воситалари), махсус спорт кийимлари (экипировкалар), компьютер техникаси, мультимедиа маҳсулотлари, спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий биологик ва фармакологик препаратлар 2024 йил 1 октябрга қадар божхона божидан озод этилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар томонидан хориждан олиб келинаётган спорт анжомлари, жиҳозлари, ускуналари, сунъий спорт майдонлари ва уларнинг ёрдамчи ускуналари (шу жумладан, махсус машғулот тренажёрлари, замонавий илмий технология воситалари), махсус спорт кийимлари (экипировкалар), компьютер техникаси, мультимедиа маҳсулотлари, спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий биологик ва фармакологик препаратларнинг мақсадли ишлатилиши ва хавфсизлиги устидан доимий қатъий назорат ўрнатсин.

Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) мазкур бандга асосан хориждан олиб келинадиган товарлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган божхона божи суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Давлат бюджетига ундирилишини таъминласин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. Бобоев) Туризм ва спорт вазирлиги (З. Казаков) билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳасмета ҳужжатларига асосан Дастурга киритилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитларини ажратсин.

12. Белгилансинки, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига мақсадли тайёргарлик кўриш доирасида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси маблағлари ҳисобидан спортчи ва тренерларга Республика комиссияси томонидан белгиланадиган миқдорда стипендия кўринишида ҳар ойда тўланадиган тўловлар тайинланади;

миллий терма жамоалар спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассислари учун ҳар ойлик стипендиялар, бир марталик тўланадиган пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар ва бошқа ёрдам кўринишида олинадиган тўловлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди ва уларга ижтимоий солиқ ҳамда суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

13. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р. Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев), манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

а) спортни молиялаштириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб, ушбу жараённинг шаффоф бўлиши ҳамда сарфланган маблағларнинг натижадорлигига эътиборни қаратиш;

б) Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)ларига Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ажратилаётган маблағларни Ҳазначилик дастури билан камраб олиш ҳамда спорт федерация (ассоциация)ларини молиялаштириш бўйича алоҳида тартибни жорий қилиш;

в) Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ва Параосиё ўйинлари, нуфузли халқаро спорт мусобақалари (кубоклари) ғолиблари ҳамда совриндорлари, шунингдек, спортчиларни тайёрлаган тренерлар, шифокорлар ва бошқа спорт мутахассисларини илғор хорижий тажриба асосида рағбатлантиришнинг замонавий тизимини жорий қилиш. Бунда:

ушбу масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

ўзини намоён эта олган миллий терма жамоалар спортчилари, тренерлари, шифокорлари ва бошқа спорт мутахассисларини уй-жой билан таъминлаш;

ютқизиксиз лотереяларни ташкил қилиш механизмларини жорий қилиш;

спортчилар, тренерлар, шифокорлар ва бошқа спорт мутахассисларининг бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланишнинг аниқ механизмларини жорий қилиш назарда тутилади.

14. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдуҳакимов, Ҳисоб палатаси (Б. Турабов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ажратилган маблағлардан, шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ажратиладиган маблағлардан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)лари, бошқа спорт ташкилотлари томонидан оқилона, тежамкор ва самарали фойдаланилганлиги (фойдаланилаётганлиги), тендер ва танловлар очик ва шаффоф ҳолда ўтказилганлиги (ўтказилаётганлиги), коррупцияга йўл қўйилмаганлиги (йўл қўйилмаётганлиги), давлат харидларининг бошқа асосий принципларига тўлиқ риоя қилинганлигига (риоя қилинаётганлиги) қонуний баҳо берсин ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чораларни кўрсин.

15. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

жорий йил якунига қадар 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар самарадорлигини ўрғаниб чиқсин ҳамда таклифлар киритсин;

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)лари томонидан тақдим этилган талабномалар асосида Олимпия ва Пара-

лимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун зарур маблағларни ўрнатилган тартибда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

16. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кучимов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчилари тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 ноябрь,
ПҚ-5281-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**660** **Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламаларини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармонига мувофиқ республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout» (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари (кейинги ўринларда — спортнинг устувор турлари) этиб белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни билан тасдиқланган 2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларига асосан Туризм ва спорт вазирлигига спортнинг устувор турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 104 миллиард сўм ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2021-2022 йилларда юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — дастур) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

спортнинг устувор турларини бошқариш тизимини такомиллаштириш; аҳоли ўртасида спортнинг устувор турлари оммавийлигини ошириш, иқтидорли ёшларни саралаш (селекция);

спортнинг устувор турлари билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни оммалаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудларда спортнинг устувор турларини янада ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилган спорт тадбирларини ташкил этиш;

соғлом турмуш тарзининг энг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда юқори даражали ахборотлаштиришни ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни таъминлаш.

3. Қуйидаги спорт мусобақалари ҳар йили ўтказилсин:

юриш ва югуриш бўйича — «Tashkent Marathon», «Samarkand Half Marathon» ва «Zaamin Ultra» халқаро марафонлари, «Sky Camp Bostanliq» триатлон ва йога марафонлари, «Барча рекордлар бизники!» (5 ва 10 минг кадамга), турли масофаларга югуриш бўйича «Янги рекордлар сари!»;

мини-футбол бўйича — «Янги Ўзбекистон ёшларимиз», «Соғлом оила — Янги Ўзбекистон таянчи» (оилавий жамоалар ўртасида) «Раҳбар кубоги» (давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида);

бадминтон бўйича — «Баҳор маликалари», «Бадминтон лигаси» (умумий ўрта ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида), «Раҳбар кубоги» (давлат ва нодавлат ташкилотларининг ходимлари ўртасида) ва «Имкониятингиздан кўпроғини бажаринг!» (аҳолининг кенг қатламлари ўртасида);

стритбол ва «Workout» бўйича — «Рекорддан — янги рекордга!» ва «Гиёҳванд моддаларга қарши!» (таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида), «Муҳими ғалаба қозониш эмас, балки қатнашиш!» (маҳалла жамоалари ўртасида), «Қишлоғинг учун ғалаба қозон!» (қишлоқ жамоалари ўртасида), «Соғлом танда — соғлом фикр!» (давлат ва нодавлат ташкилотларининг ходимлари ўртасида).

Туризм ва спорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда тегишли спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда юқоридаги спорт мусобақаларини тизимли равишда ташкиллаштириб борсин, уларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларни кенг жалб қилсин.

4. 2022 йил 1 январдан бошлаб спортнинг устувор турлари бўйича худудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралашнинг (селекция) 3 босқичли тизими жорий этилсин:

биринчи босқичда — спортчилар ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари (туман/шаҳар ҳокими кубоги);

иккинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиблари ўртасида вилоят мусобақалари (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кубоги);

учинчи босқичда — вилоят мусобақалари ғолиблари ўртасида республика мусобақалари.

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Ўзбекистон баскетбол федерацияси раҳбарларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иқтидорли ёшларни аниқлаш,

танлаш ва саралаш (селекция)нинг 3 босқичли тизимини тегишли ҳудудларда тўлиқ жорий қилиш ва мусобақалар натижалари асосида спорт-таълим муассасаларини иқтидорли спортчилар билан тўлдириб бориш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Белгилансинки, мазкур қарор билан белгиланган спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш билан боғлиқ ҳар йилги харажатлар Давлат бюджети параметрларида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутиб бориладиган маблағлар ҳисобидан қопланади. Бунда:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳар йили спортнинг устувор турлари бўйича мусобақаларнинг мунтазам равишда ўтказиб борилишида аҳолининг барча қатламлари хохишларига қараб уларнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин;

спортнинг устувор турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, ғолиблар ва совриндорларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин;

б) Туризм ва спорт вазирлиги:

ҳар йили март ойи якунига қадар ҳудудлар кесимида спортнинг устувор турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш вақти, жойи ва манзиллари, тренерлар, ҳакамлар ва бошқа батафсил маълумотларни www.jtdss.uz платформасида жойлаштириб борсин ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилишини таъминласин;

ҳар йил якуни билан спортнинг устувор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган фуқароларнинг энг юқори натижалари ва рекорд ўрнатганлар тўғрисидаги тахлилий маълумотларни платформада жойлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

6. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) «Соғлом турмуш тарзи» платформаси орқали амалга ошириладиган тўловларни 2022 йил учун Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уларни тўлиқ ҳажмда тўлаб берилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда аҳоли ўртасида юриш ва югуришга қизиқиш тобора ортиб борилаётганлигини, соғлом турмуш тарзини олиб бориш фуқароларнинг кундалик ҳаётига фаол айланаётганлигини инobatга олиб, 2022 йил 1 январга қадар «Соғлом турмуш тарзи» платформасини такомиллаштирасин, шу жумладан ахборот дастурида фуқаролар томонидан белгиланган масофани ҳақиқатда босиб ўтганлигини тасдиқловчи механизмларни қайта кўриб чиқсин.

7. 2021 — 2025 йилларда ҳудудларда бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турлари учун 1 164 та спорт майдончаларини ташкил этиш параметрлари (кейинги ўринларда — параметрлар) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

а) Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Ўзбекистон баскетбол федерацияси билан биргаликда:

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ой муддатда спорт майдончаларига қўйиладиган талаблар асосида ҳамда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истаклари, аҳоли сони ва инфратузилмани инobatга олган ҳолда, спорт майдончаларининг намунавий лойиҳаларини (кейинги ўринларда — намунавий лойиҳа) ишлаб чиқсин;

спорт майдончаларининг аҳоли яшаш жойларига қулай ва халқаро талабларга мос равишда ташкил этилиши, спорт майдончалари қопламаси тартан-синтетик қопламадан бўлиши, аҳоли барча қатламларининг ёши ва қизиқишларига мос бўлишига эътибор қаратсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

спорт майдончаларини фойдаланиш хусусиятини йўқотмаган ҳолда ва тегишли жойлашувига кўра маҳалла фуқаролар йиғини ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда спорт майдончаларидан аҳолининг самарали фойдаланишини ташкил этиш, ўрнатилган ускуналарни сақлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин;

бир ой муддатда туманлар ва шаҳарлар бўйича намунавий лойиҳа асосида ҳар бир маҳаллада бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт майдончаларини ташкил этишни назарда тутувчи 2021 — 2025 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган ҳудудий манзили дастурларни тасдиқлаш ҳамда ушбу ишларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этишга ташаббускор маҳаллий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки, Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастур ва параметрлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 миллиард сўмдан маблағлар ажратилади.

Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

9. Туризм ва спорт вазирлигининг «Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан спорт майдончаларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Бунда бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади.

10. Спортнинг устувор турлари бўйича спорт майдончаларини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган махсус спорт анжомлари ва жиҳозлари, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техника ресурслари 2024 йил 1 сентябрга қадар божхона божидан озод этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Туризм ва спорт вазирлиги — дастурни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — спорт майдончаларини ташкил этиш параметрларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажаришни таъминлаш юзасидан барча чораларни кўрсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

12. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазирининг тегишли ўринбосарлари, спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 ноябрь,
ПҚ-5282-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

661 Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4846-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатини шакллантириш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатини эълон қилиб бориш тартиби;

солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчиларни аниқлаш тартиби;

солиқ маслаҳати бўйича хизматларни кўрсатиш ва солиқ тўловчи ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосани бериш ва эътироф этиш тартиби;

солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботларидаги маълумотларда аниқланган тафовутларни бартараф этиш тартиби;

танлов асосида солиқ органлари томонидан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқларга доир берилган хулосаларини текшириш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси билан биргаликда мазкур қарор ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини пухта ўрганиб, солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш жараёнига солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини янада кенгроқ жалб этиш бўйича 2022 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қонунчилик ҳужжатларида айрим тижорат ташкилотларини тугатишнинг ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатишнинг ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқача хусусиятлари белгиланиши мумкин».

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
664-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 2 ноябрдаги 664-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича
хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари
ташкилотлари рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар
ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини (кейинги ўринларда — рўйхат) юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташки-

лотлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат солиқ қўмитаси) «Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш» автоматлаштирилган дастури (кейинги ўринларда — дастур) орқали солиқ органлари томонидан аниқланадиган йиллик айланмаси охириги уч йил давомида 1 млрд сўмгача бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) — юридик шахслар ҳамда солиқлар ва йиғимларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайдиган яқка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда — солиқ тўловчилар) нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатини шакллантириш тартиби

3. Қуйидаги солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатга киритилади: ташкил этилганидан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат давомида фаолият олиб бораётган ташкилотлар;

штатида камида бир йиллик солиқ маслаҳатчиси стажига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари мавжуд бўлган ташкилотлар.

Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатини юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда уларга солиқлар бўйича хулоса берувчи солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари сифатида рўйхатга киритилишини сўраб Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига (кейинги ўринларда — Палата) мурожаат қилади.

5. Мурожаат тушган кундан бошлаб Палата уч иш кuni давомида рўйхатга киритишни сўраб мурожаат қилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқлигини Солиқ маслаҳатчилари реестрида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ўрганиб чиқади ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотини рўйхатга киритиш ёки рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисида хулоса беради.

6. Палата томонидан:

солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини рўйхатга киритиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда ушбу хулоса асосида уларнинг рўйхати шакллантирилади ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари бу ҳақида хабардор қилинади;

солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ келмаганда уларни рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинади ва у солиқ маслаҳатчилари ташкилотла-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рига мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим этилади.

7. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисида хулосада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда Палатага қайта муружаат этишлари мумкин.

Ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган талаблардан ташқари бошқа асосларга кўра солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини рўйхатга киритиш рад этилиши тақиқланади.

8. Давлат солиқ қўмитаси Палата томонидан юритиладиган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхати шакллантирилгандан сўнг уч иш кунда электрон шаклда онлайн тарзда ёки хат орқали олинисини таъминлайди.

Давлат солиқ қўмитаси Палата томонидан тақдим этилган рўйхатни мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ тасдиқланган шаклда уч иш кунда ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради ва мунтазам равишда янгиланган боради.

3-боб. Солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчиларни аниқлаш тартиби

9. Давлат солиқ қўмитасига давлат хизматлари марказларидан белгиланган тартибда ихтиёрий тугатиш жараёнида турган солиқ тўловчилар ҳақида тушган маълумотлар шу куннинг ўзида Давлат солиқ қўмитаси томонидан дастур орқали ўрганиб чиқилади ва ҳар ўн кунлик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчилар рўйхати шакллантирилади.

10. Йиллик айланмаси охирига уч йил мобайнида 1 млрд сўмгача бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчилар рўйхатига киритилади.

11. Давлат солиқ қўмитаси ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчиларнинг рўйхати шакллантиригандан сўнг икки иш кунда уларнинг шахсий кабинетига рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари билан ихтиёрий тугатилаётганда солиқларга доир хулоса бериш бўйича шартнома тузиш орқали ихтиёрий тугатиш ишларини амалга ошириш ҳуқуқи мавжудлиги тўғрисида хабарнома юборади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, хабар буюртма хат билан почта хизмати орқали юборилади.

12. Давлат солиқ қўмитаси солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкин бўлган солиқ тўловчиларнинг рўйхати шакллантирилгандан сўнг бир иш кунда ушбу рўйхатни Палатага ўзининг расмий сайтига жойлаштириш учун электрон шаклда тақдим этади. Мазкур рўйхат Палата томонидан ҳар ўн кунда тўлдирилиб борилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Солиқ маслаҳати бўйича хизматларни кўрсатиш ва солиқ тўловчи ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосани бериш ва эътироф этиш тартиби

13. Давлат солиқ қўмитасидан солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкинлиги тўғрисида хабарнома олган солиқ тўловчилар ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш истагини билдирганда, хабарнома олган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида ўзларининг ташаббусларига асосан рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари билан тузилган шартнома асосида солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилишини амалга ошириш ҳақида ўзларининг шахсий кабинети орқали Давлат солиқ қўмитасини хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, хабар буюртма хат билан почта хизмати орқали Давлат солиқ қўмитасига юборилади.

14. Солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилинган, ammo ушбу жараён орқали тугатилиш истагини билдирмаган солиқ тўловчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилади.

15. Солиқ тўловчи солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулоса солиқ органлари ушбу солиқ тўловчини охириги солиқ аудитидан ўтказилган санадан бошлаб (солиқ аудити солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолиятини қамраб олади, бироқ ушбу давр уч йилдан ошмаслиги зарур.

16. Солиқ тўловчи солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиш жараёнида рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган шартномага асосан солиқ маслаҳатчилари ташкилотига барча зарур ҳужжатларни, шунингдек, охириги уч йиллик давр учун банк ҳисобварағидан кўчирмани тақдим этади.

Солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиш жараёнида рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан солиқ тўловчининг йиллик айланмаси охириги уч йилнинг бирор-бир йилида 1 млрд сўмдан ошганлиги аниқланган тақдирда, солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиш жараёни тўхтатилади ҳамда шартнома бекор қилинади.

17. Солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилиш натижалари юзасидан рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тенг кучга эга бўлган уч нусхада хулоса тузилади ва имзоланади.

Хулосанинг икки нусхаси солиқ тўловчига (бир нусхасини Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш учун) тақдим этилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқларга доир хулосани электрон

рақамли имзо ёрдамида солиқ тўловчига тақдим этиши, солиқ тўловчи эса ушбу хулосани Давлат солиқ қўмитасига ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этиши мумкин.

18. Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги хулоса шартнома тузилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

19. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан солиқларга доир хулоса берилганидан бошлаб беш иш куни давомида солиқ тўловчилар мазкур хулосани, унга ўзининг банк ҳисобварағидан кўчирма ва суммалар кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини илова қилган ҳолда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, хулоса ва унга илова қилинган ҳужжатлар буюртма хат билан почта хизмати орқали Давлат солиқ қўмитасига юборилади.

20. Солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботларидаги маълумотлар ва ихтиёрий тугатилаётганда рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан берилган солиқларга доир хулоса ўртасида тафовут аниқланган тақдирда, солиқ тўловчилар беш иш куни давомида мазкур тафовутларни бартараф этган ҳолда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ органига тақдим этиши лозим.

Солиқлар бўйича аниқланган тафовутлар (ижобий ёки салбий фарқ суммаси) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда, солиқ органлари аниқланган салбий фарқ бўйича молиявий санкцияларни (пеня бундан мустасно) ва маъмурий жарималарни қўлламайдилар.

21. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан берилган хулосада аниқланган тафовутлар (ижобий ва салбий фарқ суммалари) бартараф этилган тақдирда, Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларга доир хулоса тан олинади ҳамда солиқ тўловчилар солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилган деб ҳисобланади.

22. Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларга доир хулоса тан олинган ҳамда солиқ тўловчилар солиқларга доир хулоса бериш орқали ихтиёрий тугатилган деб ҳисобланганда уларга нисбатан солиқ органлари томонидан солиқ аудити ўтказилмайди ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатиш бўйича ишлар якунланади.

Солиқ тўловчи мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда хабардор қилинган кундан кейин давлат органлари ва ташкилотлар томонидан солиқ органларига уларнинг маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилганда солиқ органи ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг фаолиятини

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ аудитидан ўтказишга ҳақли.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан солиқларга доир берилган хулоса доирасида ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини яшириши ёки қасддан бузиб кўрсатилганлиги ҳолатлари солиқ органлари томонидан аниқланганда, улар рўйхатдан чиқарилади.

Бунда, солиқ органлари танлов асосида рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан солиқларга доир берилган хулосаларни текшириб кўришга ҳақли ва берилган хулосаларда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари яшириб ёки қасддан бузиб кўрсатилганлиги ҳолатлари аниқланганда солиқ органлари солиқларга доир берилган хулосаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида тегишлилиги бўйича судга мурожаат қилади.

Суд томонидан солиқ органлари солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқларга доир берилган хулосаларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги мурожаати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

24. Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари кўрсатилган хизматлар давомида олинган маълумотлар ҳамда тузилган ҳисоботларни солиқ тўловчининг розилигисиз солиқ органларига ҳамда бошқа шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас.

25. Солиқ тўловчи солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг хулосасидан норози бўлган тақдирда ҳамда улар ўртасида юзага келган бошқа низолар шартномада ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**662 Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркировкалаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида***

Республикада кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш ҳамда тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркировкалашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 декабрдан 2022 йил 1 ноябрга қадар бўлган муддатда, синов тариқасида, кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотлари акциз маркалари билан маркаланмайди.

Бунда, тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу маҳсулотларни синов мобайнида акциз маркалари билан маркировка қилмаслик тартиби уларни давлат тилида маркировка қилиш ҳамда мажбурий рақамли маркировкалаш тартибларига риоя этишдан озод қилмайди.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра филтрли ва филтрсиз сигареталардан бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар (кейинги ўринларда — бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари) бўйича:

а) ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар:

2022 йил 1 сентябрга қадар ёки 2022 йил 1 сентябрдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати юзага келган кундан бошлаб 7 календарь кун мобайнида маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб қилинадиган бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари номенклатураси тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

2022 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол ва гуруҳланган қадоқларга рақамли идентификациялаш воситаларини туширади, шунингдек, бошқа турдаги тамаки маҳсулотларини агрегациялашни таъминлайди ҳамда маркировкалаш ахборот тизимига маркировкаланганлиги ва агрегацияланганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади;

2023 йил 1 январга қадар маркировкаланмаган бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (улгуржи савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қолган қолдиқлари сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

2023 йил 1 мартдан бошлаб бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига киритилишини таъминлайди;

б) улгуржи савдо ташкилотлари:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

2022 йил 1 ноябрга қадар ёки 2022 йил 1 ноябрдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун мобайнида маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтади;

2023 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб олишга доир маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

2023 йил 1 февралдан бошлаб маркировкаланган бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари сотилиши тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

2023 йил 1 мартга қадар маркировкаланмаган бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (чакана савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қолган қолдиқлари сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

2023 йил 1 июндан бошлаб бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

в) чакана савдо ташкилотлари:

2023 йил 1 февралга қадар ёки 2023 йил 1 февралдан кейин бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун мобайнида маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтади;

2023 йил 1 мартдан бошлаб бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси ташкилотларидан сотиб олишга доир маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

2023 йил 1 июндан бошлаб бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси бўйича маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

2023 йил 1 октябрга қадар маркировкаланмаган бошқа турдаги тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (охирги истеъмолчига) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қолган қолдиқлари сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

2023 йил 1 октябрдан бошлаб бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади;

г) 2022 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рақамли идентификациялаш воситаларини туширмасдан ҳамда рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида юбормасдан ишлаб чиқариш тақиқланади;

д) 2022 йил 1 октябрдан кейин ишлаб чиқарилганда (олиб кирилганда) уларнинг чакана савдосига фақат маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни киритиш шарти билан рухсат этилади;

е) 2022 йил 1 октябрга қадар ишлаб чиқарилганда (олиб кирилганда) уларнинг чакана савдосига 2023 йил 1 октябрга қадар рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

синов мобайнида акциз маркалари билан маркировка қилинмаган кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотлари мажбурий рақамли маркировкалаш орқали тўлиқ ҳисобга олиниши молия инспекторлари томонидан давлат солиқ органлари ходимлари билан биргаликда назорат қилинишини таъминласин;

акциз маркалари билан маркировка қилинмаган кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотларининг импорт қилиниши, ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши самарадорлигини таҳлил қилиб борсин;

синов даври якуни бўйича алкоголь ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркировкалаш тартибини бекор қилиш юзасидан 2022 йил 1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
665-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 2 ноябрдаги 665-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарорида:

а) 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларидан фақат филтрли ёки филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигариталар), биди, кретеклар мажбурий равишда акциз маркалари билан маркаланади».

б) 1-илованинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларидан фақат филтрли

ёки филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигариталар), биди, кретекарлар мажбурий равишда акциз маркалари билан маркаланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган 3-иловада:

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«в) бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари;

г) чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари;

д) никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар»;

тўртинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар:

а) тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш билан шуғулланувчиларда тамаки маҳсулотларини фойдаланишга киритиш ва (ёки) фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар 2020 йил 31 декабрга қадар ёки 2020 йил 31 декабрдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати юзага келган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб кириладиган тамаки маҳсулотлари номенклатураси тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

а)¹ бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталарни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар 2022 йил 1 сентябрга қадар ёки 2022 йил 1 сентябрдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати юзага келган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб кириладиган тамаки маҳсулотлари номенклатураси тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

б) истеъмол ва гуруҳланган қадоқларга рақамли идентификациялаш воситалари туширилишини, шунингдек, тамаки маҳсулотларини агрегациялашни таъминлайди ва маркировкалаш ахборот тизимига:

филтрли сигареталар — 2021 йил 1 январдан;

филтрсиз сигареталар — 2021 йил 1 декабрдан;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар — 2022 йил 1 октябрдан бошлаб маркировкаланганлиги ва агрегацияланганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади;

в) маркировкаланган тамаки маҳсулотларининг сотилиши тўғрисидаги маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига:

филтрли сигареталар — 2022 йил 1 январдан;

филтрсиз сигареталар — 2022 йил 1 февралдан;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар — 2023 йил 1 январдан бошлаб киритилишини таъминлайди;

г) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (улгуржи савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқлари:

филтрли сигареталар — 2021 йил 1 июлга қадар;

филтрсиз сигареталар — 2022 йил 1 февралга қадар;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар — 2023 йил 1 январга қадар сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

д) тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида:

филтрли сигареталар бўйича — 2021 йил 1 октябрдан;

филтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 мартдан,

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 мартдан бошлаб киритилишини таъминлайди»;

в) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Тамаки маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб оладиган тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси ташкилотлари:

а) тамаки маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан сотиб олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи савдо ташкилотлари 2021 йил 1 февралга қадар ёки 2021 йил 1 февралдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

а)¹ бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталарни бевосита ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан сотиб олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи савдо ташкилотлари 2022 йил 1 ноябрга қадар ёки 2022 йил 1 ноябрдан кейин мазкур фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб олишга доир маълумотларни:

филтрли сигареталар бўйича — 2021 йил 1 октябрдан;

филтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 мартдан;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 январдан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

в) маркировкаланган тамаки маҳсулотлари сотилиши тўғрисидаги маълумотларни:

фильтрли сигареталар бўйича — 2022 йил 1 январдан;

фильтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 апрелдан;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 февралдан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

г) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (чакана савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқларни:

фильтрли сигареталар бўйича — 2021 йил 1 октябрга қадар;

фильтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 июнга қадар;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 мартга қадар сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

д) маҳсулот айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни:

фильтрли сигареталар бўйича — 2021 йил 1 январдан;

фильтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 июндан;

бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 июндан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади»;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Тамаки маҳсулотлари айланмасининг чакана савдосини амалга оширувчи иштирокчилар:

а) тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси 2021 йил 31 мартга қадар ёки 2021 йил 31 мартдан кейин тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

а)¹ бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар чакана савдоси билан шуғулланувчи тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси 2023 йил 1 февралга қадар ёки 2023 йил 1 февралдан кейин тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси ташкилотларидан сотиб олишга доир маълумотларни:

 фильтрли сигареталар бўйича — 2022 йил 1 январдан;

 фильтрсиз сигареталар бўйича — 2022 йил 1 майдан;

 бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар бўйича — 2023 йил 1 мартдан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

в) тамаки маҳсулотларининг:

 2021 йил 1 апрелдан бошлаб фильтрли сигареталар;

 2022 йил 1 июндан бошлаб фильтрсиз сигареталар;

 2023 йил 1 июндан бошлаб бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар чакана савдоси бўйича маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

г) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (охирги истеъмолчига) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган:

 2022 йил 1 январга қадар фильтрли сигареталар;

 2022 йил 1 декабрга қадар фильтрсиз сигареталар;

 2023 йил 1 октябрга қадар бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар қолдиқлари сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

д) тамаки маҳсулотлари:

 2022 йил 1 январдан бошлаб фильтрли сигареталар;

 2022 йил 1 декабрдан бошлаб фильтрсиз сигареталар;

 2023 йил 1 октябрдан бошлаб бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади»;

д) қуйидаги таҳрирдаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталарни рақамли идентификациялаш воситаларини туширмасдан ҳамда тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига юбормасдан 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2022 йил 1 октябрдан кейин ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана савдосига фақат маркировкалаш ахборот тизимига уларнинг чакана савдоси тўғрисидаги маълумотларни узатиш шарти билан рухсат этилади.

2022 йил 1 октябрга қадар ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турлари чакана савдосига 2023 йил 1 октябрга қадар рухсат этилади»;

е) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. 1 (бир) ҳисобот даври (ойи) доирасида бутун ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари бўйича истеъмол ва гуруҳланган қадоқларни агрегациялашнинг ўртача самарадорлиги қўйидагиларни ташкил қилиши керак:

а) филтрли сигареталар учун:

95 фоиздан кам бўлмаган — 2021 йил 1 майдан бошлаб;

99 фоиздан кам бўлмаган — 2021 йил 1 июлдан бошлаб;

б) филтрсиз сигареталар учун:

95 фоиздан кам бўлмаган — 2022 йил 1 апрелдан бошлаб;

99 фоиздан кам бўлмаган — 2022 йил 1 июндан бошлаб;

в) бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар учун:

95 фоиздан кам бўлмаган — 2022 йил 1 декабрдан бошлаб;

99 фоиздан кам бўлмаган — 2023 йил 1 февралдан бошлаб.

Бунда, гуруҳланган қадоқ ичида агрегацияланадиган иккита истеъмол қадоғидан ва транспорт қадоғи ичида иккита гуруҳланган қадоқдан ошмаган ҳолда идентификациялаш коди тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаслигига рухсат этилади.

Ушбу ҳолатда агрегациялашни амалга оширувчи тамаки маҳсулотлари айланмасининг иштирокчиси агрегациялаш бошланган кундан 5 (беш) иш куни давомида истеъмол қадоқларини идентификациялаш кодлари ва (ёки) агрегациялашда маркировкалаш ахборот тизимига узатилмаган гуруҳланган қадоқларни идентификациялаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**663** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талаба-ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2021 йил 9 сентябрдаги ПФ-6309-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талаба-ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 ноябрь,
674-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 ноябрдаги 674-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 10-сон, 55-модда):

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қўйидагилар:

Таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, профессионал таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1-иловада:

номи «Таянч» сўзидан кейин «докторантурада таҳсил олаётган» сўзлари билан тўлдирилсин;

1 ва 2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг сўнгги ўқув йилида таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантларга (кейинги ўринларда — таянч докторантлар деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида танлаб олиш натижаларига кўра тайинланади.

2. Таянч докторантларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари квотаси (ўнта) Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига мувофиқ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган танлов йўналишлари бўйича (ҳар бир танлов йўналишига биттадан стипендия ҳисобидан) тақсимланади»;

в) 2-иловада:

номидаги «Талабалар» сўзи «Магистратура босқичи талабалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1 ва 2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

2. Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (йигирма иккита) Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган танлов йўналишлари бўйича (ҳар бир танлов йўналишига биттадан стипендия ҳисобидан) тақсимланади.

Бунда, олий таълим муассасалари томонидан номзодлар ҳар бир танлов йўналиши бўйича биттадан тавсия этилиши мумкин»;

3-банддан «бакалавриатдаги таълим йўналиши ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган магистратура босқичи талабалари олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида таянч докторантурага кириш имтиҳонларисиз Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қабул қилинади»;

13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон
Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари
ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини тайинлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендиясини тайинлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларида бутун ўқиши давомида

фақат аъло баҳоларга ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган охирги курс талабаларига тайинланади ва тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари ҳар бир олий таълим муассасасининг бакалаврият босқичидаги бир нафар битирувчи курс талабасига тайинланади ва тўланади.

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий ва Ислоҳ Каримов номли давлат стипендиялари (кейинги ўринларда — номли давлат стипендиялари) Ўзбекистон Республикасидаги давлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади.

Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охирги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади. Бунда, ушбу номли давлат стипендиялари сони Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир олий таълим муассасаси учун Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари бўйича алоҳида биттадан белгиланади.

3. Келгуси ўқув йили учун номли давлат стипендиялари сони жорий ўқув йили охирида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиаллари бўйича давлат стипендиялари сони Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ ҳар йили тасдиқланадиган танлов йўналишлари ва талабалар сонидан келиб чиқиб тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларида иштирок этувчи номзодларга қуйидаги талаблар белгиланади:

а) номли давлат стипендиялари учун:

аъло ўқиш ва илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

Ўзбекистон тарихини билиш;

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриятдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш. Бунда, талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиш жойидаги тил кафедраларида махсус суҳбатдан ўтадилар;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси учун мазкур банднинг «а» кичик бандида белгиланган талабларга қўшимча равишда ўқиётган бакалаврият таълим йўналишига мос мавзуда камида иккита эълон қилинган ишлар (мақола, тезис ёки асарлар)нинг мавжудлиги талаб этилади.

2-боб. Танловларни ўтказиш

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини тайинлаш учун номзодларни кўрсатиш олий таълим муассасалари кенгашлари томонидан, талабгорларнинг ўқув ва илмий фаолиятини оммавий муҳокама қилиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун олий таълим муассасаси кенгашига қуйидагиларни тақдим қиладилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;

деканат ва кафедранинг тавсияномаси;

илмий (ижодий) иш раҳбарининг тавсияномаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари;

тиллер кафедраси, тарих кафедрасининг суҳбат натижалари ҳақидаги маълумотномалари.

Барча ҳужжатлар жилдга (папкага) жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки номли давлат стипендияси номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, бакалаврият таълим йўналиши, курси, гуруҳи кўрсатилади.

6. Олий таълим муассасалари кенгашлари талабгорларни танловларнинг навбатдаги босқичига тавсия этиш бўйича яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиладилар.

Овоз бериш жараёнида олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам иштирок этиши мумкин.

Овоз бериш натижаларига кўра олий таълим муассасаси кенгаши томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига энг кўп овоз олган уч нафардан (бунда номзодлар турли танлов йўналишлари бўйича аниқланишига урғу берилади);

номли давлат стипендияларига ажратилган ҳар бир квотага энг кўп овоз олган уч нафаргача номзод танловнинг навбатдаги босқичига тавсия этилади.

7. Олий таълим муассасаси кенгаши қарорига асосан танловларнинг навбатдаги босқичига тавсия этилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар олий таълим муассасасининг масъул ходими томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «stipendiya.edu.uz» электрон тизимига ҳар йили 1 — 15 август кунлари киритилади.

Бунда, номзодларнинг ҳужжатларининг аслига тўғри эканлиги ҳамда «stipendiya.edu.uz» электрон тизимига ўз вақтида ва тўғри киритилиши бўйича масъулият олий таълим муассасаси ректори (директори) зиммасига юклатилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта, ҳар йили 10 — 30 сентябрь кунлари кўриб чиқади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар чет тиллари, ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи фанлари

бўйича билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (худудлар бўйича) махсус тест синовлари топширадilar. Давлат тест маркази тест синовлари натижалари қайдномаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари совриндорлари талабгорларнинг илмий ишлари, эришган ютуқлари ҳамда ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида танлов йўналишлари бўйича ташкил этилган танлов комиссиялари қарорига асосан аниқланади.

11. Танлов комиссияларининг қабул қилинган қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари совриндори бўлган талабалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

3-боб. Стипендияларни тайинлаш ва уларга бериладиган имтиёзлар

12. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи олий таълим муассасаси ректори (директори, ижрочи директори)-нинг талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириши учун асос ҳисобланади.

Стипендиялар 1 сентябрдан бошлаб, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатъий роя қилган ҳолда тайинланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларида голиб бўлган талабаларга Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланган қуйидаги гувоҳномалардан бири берилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳиби»;

«Беруний номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Ибн Сино номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Навоий номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Улуғбек номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Имом ал-Бухорий номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Ислом Каримов номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Тўлепберген Қаипбергенов номли давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Ибройим Юсупов номли давлат стипендиясининг соҳиби».

Гувоҳномалар талабаларнинг ўқиш жойида тантанали вазиятда топширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар бакалавриятни тугатгандан сўнг икки йил мобайнида, номли давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар бакалавриятни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинадilar.

4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Талабаларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида давлат стипендияларидан маҳрум қилиш олий таълим муассасалари тақдимномаларига биноан тегишли вазирликлар ва идоралар буйруқлари билан амалга оширилиши мумкин.

16. Талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

17. Мазкур Низом талабаларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 1-сон, 21-модда):

а) 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов ва Ислоҳ Каримов номли давлат стипендияларини олувчи талабаларга стипендиялар тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан белгиланган тартиблар сақлаб қолинсин»;

б) 1-илованинг 10-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов ва Ислоҳ Каримов номли давлат стипендияларини олувчи талабаларга стипендиялар тайинлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Бакалаврият босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади»;

в) 2-илованинг «Стипендия номи ва қўшимча тўловлар» устуниси 2-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Ислоҳ Каримов ва Камолитдин Бехзод номли давлат стипендиялари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**664 Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда вазирликлар, идоралар ва йирик хўжалик бирлашмаларида олий маълумотли кадрлар улусини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2022 йил 1 майдан бошлаб қучга киритилсин:

камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларга суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга кириши учун тавсиянома берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда тасдиқлаш;

тегишли тавсияномага эга бўлган фуқароларни ҳар йили 20 июлдан 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг махсус электрон тизими орқали рўйхатдан ўтказиш;

олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси буйруғи билан ташкил этиладиган алоҳида суҳбат комиссияси томонидан ҳар йили 20 августдан 30 августгача бўлган муддатда тавсияномага эга бўлган абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш;

суҳбат натижаларига кўра 100 баллик баҳолаш мезони бўйича 55 балл ва ундан юқори балл тўплаган абитуриентларни олий таълим муассасаси ректорининг (директорининг) буйруғи билан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

Ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 ноябрь,
675-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 ноябрдаги 675-сон қарорига
ИЛОВА

**Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига
эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига
сухбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт
асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига кириш имтиҳонларисиз, сухбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Бунда, ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг тавсияномаси асосида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимлар (кейинги ўринларда — тавсияномага эга бўлган абитуриентлар) ҳисобидан, кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шarti билан иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига сухбат натижаларига асосан амалга оширилади.

Мазкур Низом олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларга сиртқи ва кечки таълим шаклига сухбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга кириши учун мазкур Низомга 1-иловада* келтирилган намунавий шаклга мувофиқ тавсиянома берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари рўйхати ҳамда тавсияномага эга бўлган абитуриентлар учун табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорлари ҳар йили 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан тасдиқланади ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

3. Тавсияномалар Давлат комиссияси томонидан рўйхати тасдиқланган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбари томонидан, биринчи раҳбар лавозими вакант бўлганда ва/ёки унинг вазифаларини бажариш бошқа шахсга юклатилганда эса — ушбу раҳбар томонидан берилади.

Вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари ҳар бир ўқув йили учун марказий ва ҳудудий тузилмалари ҳамда тизим ташкилотларидан 100 нафаргача талабгорга тавсиянома бериши мумкин.

Камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларга сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга кириши учун вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари томонидан бериладиган тавсияномалар (кейинги ўринларда — тавсияномалар) фақатгина берилган ўқув йили учун амал қилади.

4. Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш

5. Тавсияномага эга бўлган абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш ҳар йили 20 июлдан 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) махсус электрон тизими орқали амалга оширилади.

Бунда:

Давлат тест маркази томонидан тавсиянома бериш ҳуқуқига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларига махсус электрон тизимга кириш бўйича логин ва пароллар берилади;

тавсиянома бериш ҳуқуқига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари томонидан Давлат тест марказининг махсус электрон тизимига тавсияномага эга бўлган ходимларнинг шахсий маълумотлари киритилади.

6. Рўйхатдан ўтган тавсияномага эга бўлган абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат тест маркази томонидан ҳар йили 15 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги орқали тегишли олий таълим муассасаларига етказилади.

3-боб. Суҳбат жараёнини ўтказиш

7. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси томонидан тавси-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яномага эга бўлган абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш бўйича алоҳида Суҳбат комиссияси ташкил этилади.

Суҳбат комиссияси 7 нафардан кам бўлмаган таркибда тузилади ва унинг таркибига соҳа бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари ҳамда иш берувчи ташкилотлар ва олий таълим муассасаси бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралардан вакиллар киритилади.

8. Суҳбат комиссияси томонидан тавсияномага эга бўлган абитуриентнинг иш фаолияти у ҳужжат топширган бакалаврият таълим йўналишига мос келиши имтиҳон бошланишидан 10 кун аввал аниқланади.

Тавсияномага эга бўлган абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналиши унинг иш фаолиятига мос эмас деб топилган тақдирда, у имтиҳонга қўйилмайди ва олий таълим муассасаси бу ҳақда иш берувчини хабардор қилади.

Бунда:

абитуриентнинг аризасига мувофиқ тавсиянома берган вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашмасининг мурожаати асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ходимнинг иш фаолиятига мос бакалаврият таълим йўналиши бўйича суҳбат жараёнида иштирок этишга рухсат берилади;

бакалаврият таълим йўналишини ўзгартиришга рухсат берилган абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мурожаатига асосан Давлат тест маркази томонидан махсус электрон тизимга киритилади.

9. Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар билан суҳбат жараёни тўлиқ видеокузатув остида ўтказилади ва жараёнлар кузатувчилар учун ажратилган алоҳида кутиш жойига онлайн трансляция қилиб борилади.

Суҳбат жараёни тўлиқ видеокузатув остида ўтказилиши ва видеоёзувларнинг камида уч йил олий таълим муассасасида сақланишини таъминлаш масъулияти шахсан олий таълим муассасаси ректори (директори) зиммасига юкланади.

10. Суҳбат жараёни ҳар йили 20 августдан 30 августгача, олий таълим муассасаси томонидан белгиланган муддатда, Суҳбат комиссияси таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Суҳбат ўтказиш дастури олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасаси кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Суҳбат ўтказиш жадвали олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида суҳбат ўтказилишидан камида 5 кун аввал жойлаштирилади.

Суҳбат жараёнига жамоатчилик вакиллари ҳам ҳолис кузатувчи сифатида жалб этилиши мумкин.

11. Узрли сабабларга кўра (соғлиғининг ҳолатига кўра, белгиланган шаклдаги тиббий хулоса асосида) суҳбатга келмаган абитуриентлар учун такрорий суҳбат муддати олий таълим муассасаси томонидан белгиланади ҳамда олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида такрорий суҳбат ўтказилишидан камида 5 кун аввал эълон қилинади.

12. Суҳбат жараёнида абитуриентларнинг ҳар бирига қуйидаги мавзулар бўйича биттадан жами тўртта савол берилади:

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти;

белгиланган бакалаврият таълим йўналишини танлашдан асосий мақсад;

белгиланган бакалаврият таълим йўналишига мос меҳнат фаолияти давомида эришган ютуқ ва натижалари;

белгиланган бакалаврият таълим йўналиши соҳасида билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги.

Ҳар бир саволга 25 баллдан ажратилиб, жами тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл 100 баллни ташкил этади.

13. Саволлар олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

14. Муайян таълим йўналиши (гуруҳ) бўйича суҳбат жараёни якунлангач, Суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган баллар ҳисоблаб чиқилади ва Суҳбат комиссияси томонидан тасдиқланадиган қайдномага киритиб борилади.

Суҳбат комиссияси томонидан тасдиқланган қайдномага асосан Суҳбат комиссиясининг иштирок этган аъзолари томонидан қўйилган балларнинг ўртачаси 55 баллдан юқори бўлганда абитуриент суҳбатдан ўтган ҳисобланади.

Муайян таълим йўналиши (гуруҳ) бўйича ўтказилган суҳбат натижаларига кўра суҳбатдан ўтганлар рўйхати шу куннинг ўзида абитуриентларга ўқиб эшиттирилади.

15. Олий таълим муассасасида суҳбатлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция шикоятлари суҳбат натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссияси фаолиятида иштирок этмаган олий таълим муассасаси ходимлари орасидан комиссия раиси ва тўрт нафар аъзо киритилади.

Абитуриент апелляцияни кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссияси абитуриентнинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади ҳамда унинг қабул комиссияси ва абитуриентга етказилишини таъминлайди.

16. Суҳбат натижаларига кўра талабалikka тавсия этилганлар тўғрисидаги маълумотлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда олий таълим муассасаси ректори (директори) томонидан бўйсунови бўйича вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмасига тақдим этилади.

17. Суҳбат комиссиясининг суҳбат натижаларини қайд этиш ҳамда суҳбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варақлари уч йил олий таълим муассасасида сақланади.

4-боб. Тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш

18. Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган қайдномага асосан ўтиш балидан юқори балл тўплаган абитуриентлар олий таълим муассасаси ректори (директори) томонидан талабаликка тавсия этилади.

19. Талабаликка тавсия этилганларнинг умумий рўйхати сухбат жараёни тўлиқ яқунлангандан сўнг бир кун муддатда олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва шу кундан бошлаб уларга белгиланган намунадаги тўлов-контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан берилади.

20. Талабаликка тавсия этилганлар олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

талабанинг ишлаб турган жойи бўйсунувчи вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашмасидан белгиланган шаклдаги тавсиянома;

талабанинг ишлаб турган жойи бўйсунувчи вазирлик, идора ёки йирик хўжалик бирлашмаси томонидан талабанинг бутун ўқиш даври учун тўлов-контракт маблағларини ўз вақтида тўлаб бериш бўйича қафолат хати.

21. Талабаликка тавсия этилганлар учун табақалаштирилган тўлов-контракт асосидаги тўлов ҳар йили шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда ходим ишлаётган вазирлик, идора, йирик хўжалик бирлашмаси ёки уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Ходими талабаликка тавсия этилган ёки қабул қилинган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган вазирлик, идора ёки уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тўловни амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолатларда, истисно тариқасида, Давлат комиссияси томонидан уларнинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағлари тўлов манбаи ва бошқа шартлар бўйича вазирлик, идора ёки улар тизимидаги ташкилотларнинг ходим билан келишилган шартномасига мувофиқ белгиланган шаклда амалга оширилишига рухсат берилиши мумкин.

Шартнома шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

22. Олий таълим муассасаси қабул комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этилиб, табақалаштирилган тўлов-контракт шартлари бажарилгандан сўнг олий таълим муассасаси ректорининг (директорининг) абитуриентни талабаликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ушбу тоифадаги талабалар тавсиянома берилган ташкилот билан меҳнат шартномасини ташкилот ёки ўз ташаббуси билан бекор қилган тақдирда, тавсиянома берган ташкилот томонидан олий таълим муассасасига бу борада билдирги юборилади.

Тавсиянома берган ташкилот томонидан юборилган билдирги олий таълим муассасаси ректорининг (директорининг) ушбу талабани талабалар

сафидан четлатиш тўғрисидаги буйруғини расмийлаштириш учун асос бўлади ва унинг ўқишини қайта тиклашга рухсат этилмайди.

Ташкилот тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда, у томонидан берилган тавсиянома асосида олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талаба унинг ўқиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контракт қийматини ўз ҳисобидан тўлаб ўқишини давом эттириши мумкин.

24. Тавсиянома асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг ўқишини кўчиришга рухсат этилмайди.

25. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

665 Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 124-модда) билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор 2021 йил 1 ноябрдан кучга кирилади.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 октябрь,
60-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 октябрь,
2021-38-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 1 октябрь,
01-02/8-46-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги
60-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил
5 октябрдаги 2021-38-сон ва Давлат божхона
қўмитасининг 2021 йил 1 октябрдаги
01-02/8-46-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса
ижроси тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
қўшимча ва ўзгартириш**

1. Қуйидаги мазмундаги 31²-банд билан тўлдирилсин:

«31². Давлат хизматлари марказлари, «Лицензия» ахборот тизими ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатидан уч иш кунидан ортиқ вақтга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизматдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга бир иш кунда Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Ариза берувчига қайтарилган тўловлар Давлат хизматлари агентлиги томонидан давлат хизматини кўрсатиш муддатини кечиктирган давлат органи ва ташкилотининг бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлари ҳисобидан (муддат бир нечта давлат органи ва ташкилоти томонидан кечиктирилганда давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг уларга ўтказилган улушларидан келиб чиқиб ҳисобланган миқдорларда) ёки тегишли давлат хизмати учун очилган даромад шахсий газна ҳисобварағига жорий тушумларнинг давлат органи ва ташкилотига тегишли қисми ҳисобидан сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундирилади.

Давлат хизматлари агентлиги томонидан пул маблағларини қайтариш

тўғрисида қўйилган талабномадаги маблағни қайтариш учун етарли маблағи бўлмаганда, ваколатли органнинг бюджетдан ташқари ва бошқа жамғарма-сига маблағ келиб тушганда биринчи навбатда сўзсиз (акцептсиз) тартиб-да ечиб олинади.

Маблағларни сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириш:

шахсий ғазна ҳисобварақларидан «ЎРМВ» АТда шакллантирилган элек-трон тўлов ҳужжатлари орқали;

ваколатли давлат органи ва ташкилотларининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларидан Давлат хизматлари агентлиги томонидан қўйиладиган акцептсиз тўлов талабномалари орқали амалга оширилади.».

2. 37-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловларни, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўлан-ган йиғимларни (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда), шунинг-дек, Давлат хизматлари марказлари, «Лицензия» ахборот тизими ҳамда ЯИДХП орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари қонунчилик ҳужжатла-рида белгиланган муддатидан уч иш кунидан ортиқ вақтга кечиктирилган-да, хизматдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизини қайтаришга мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддат татбиқ этилмайди».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Марка-зий банки ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2021 йил 4 октябрь

*Давлат хизматлари
агентлиги директори*

У. МУХАММАДИЕВ

2021 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

666 Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3330*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 4 февралдаги 38-сон «Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2566, 2014 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 114-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 октябрь,
31-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
BAЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ
HAЗOPAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

667 «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сон «Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 23 майдаги 01-157-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2798, 2016 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 279-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 28 майдаги 3-В-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2798-1, 2018 йил 7 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.07.2018 й., 10/18/2798-1/1485-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 октябрь,
24-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ТОШКУЛОВ

2021 йил 29 сентябрь

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

2021 йил 7 октябрь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2021 йил 4 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

668 «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 24 октябрдаги 19-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2524, 2013 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 613-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги 40-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2524-1, 2017 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 51-сон, 1252-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 октябрь,
6-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 19 октябрь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2021 йил 19 октябрь

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори

Д. САТТАРОВ

2021 йил 22 октябрь

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори

Р. БОБОЕВ

2021 йил 27 октябрь

Транспорт вазири

И. МАҲКАМОВ

2021 йил 25 октябрь

«Ўзбекистон темир йўллари»

АЖ бошқарув раиси

Х. ХАСИЛОВ

2021 йил 25 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

669 «Биринчи гуруҳга шоли етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2640-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2014 йил 25 ноябрдаги 24-сон «Биринчи гуруҳга шоли етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2640, 2014 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52-сон, 629-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 октябрь,
5-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 19 октябрь

*Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги
бош директори*

Д. САТТАРОВ

2021 йил 27 октябрь

*Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи*

А. ВАХАБОВ

2021 йил 20 октябрь

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

2021 йил 21 октябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқарув раиси*

Х. ХАСИЛОВ

2021 йил 25 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**670 Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини
эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига ки-
ритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 939-модда) билан тасдиқланган Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
146-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
туризм ва спорт вазирининг 2021 йил
25 октябрдаги 146-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини
эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш
хамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд «д» кичик бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

671 «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ва «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 11 октябрдаги 40-2019-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 3192, 2019 йил 4 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.11.2019 йил, 10/19/3192/3991-сон) билан тасдиқланган «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 октябрь,
46-2021-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2021 йил 28 октябрдаги
46-2021-сон буйруғига
ИЛОВА

«Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ номи ва 1-бандидаги «ҳимояга муҳтож қатлами» деган сўзлар «эҳтиёжманд» деган сўз билан алмаштирилсин;

2. Иловада:

номи ва матнидаги «ҳимояга муҳтож қатлами» деган сўзлар «эҳтиёжманд» деган сўз билан алмаштирилсин;

1-позициядаги «Ногиронлар» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналари»;

4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Одам савдосидан жабрланганлар»;

6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

672 Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3331

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги 484-сон «Кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
302-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 8 октябрь

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

2021 йил 18 октябрь

Сув хўжалиги вазири

С. ХАМРАЕВ

2021 йил 21 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2021 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил
25 октябрдаги 302-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 529-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2967, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2967/0659-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 181-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2967-1, 2020 йил 10 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2020 й., 10/20/2967-1/0729-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 86-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2967-2, 2021 йил 7 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2021 й., 10/21/2967-2/0304-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 530-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2968, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2968/0660-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 21 майдаги 182-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2968-1, 2020 йил 10 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2020 й., 10/20/2968-1/0730-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 85-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2968-2, 2021 йил 7 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2021 й., 10/21/2968-2/0305-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 531-сон «Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2969, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2969/0666-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

673 Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3065, 2018 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 36-сон, 731-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
148-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

674 Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2954, 2017 йил 7 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 49-сон, 1221-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
147-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
туризм ва спорт вазирининг 2021 йил
25 октябрдаги 147-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига
номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий
принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Рўйхат (3 та нусхада) спорт федерацияси (уюшмаси) раҳбари томонидан имзоланган тақдимномага илова қилган ҳолда ҳар йили 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига (бундан буён матнда Туризм ва спорт вазирлиги деб юритилади) тақдим этилади.».

2. 11, 12, 14, 16-бандлардаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 13-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» ва «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар тегишинча «Туризм ва спорт вазирлигининг» ва «Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Туризм ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**675** Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-7

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги ЎРҚ–711-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Нотариат тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 июлдаги 464-сон «Нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 ноябрь,
18-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 4 ноябрдаги
18-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 27-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш коммунал ташкилотлар ахборот тизимлари орқали электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларидан қарздорлиги мавжудлиги онлайн режимда текширилганидан кейин амалга оширилади. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади. Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

2. 196-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қарздорнинг номи ва манзили (жисмоний шахслар учун туғилган сана ва жойи, иш жойи), қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқарolari бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

676 Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 6 апрелдаги ПК-5054-сон «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мх-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3137, 2019 йил 18 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2019 й., 10/19/3137/2632-сон) билан тасдиқланган Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
150-мх-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
туризм ва спорт вазирининг 2021 йил
25 октябрдаги 150-МХ-сон буйруғига
ИЛОВА

Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

677 **Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 9 августдаги ПФ–6275-сон «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги 13-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон,

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

319-модда) билан тасдиқланган Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 октябрь,
31-тн-сон

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2021 йил
26 октябрдаги 31-тн-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 21-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 23-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 26-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 28-бандда:

тўртинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 33-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 60-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2021 йил 5 октябрдаги 2021-38-сон ва Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 1 октябрдаги 01-02/8-46-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-4.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 октябрдаги 31-сон «Мажбурий тиббий қўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3330.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2021 йил 20 октябрдаги 24-мх-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги 6-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат

захираларини бошқариш қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги 5-сон «Биринчи гуруҳга шоли етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2640-1.

6. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 146-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-2.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 28 октябрдаги 46-2021-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192-1.

8. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 302-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3331.

9. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 148-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-2.

10. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 147-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-2.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 4 ноябрдаги 18-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-7.

12. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 150-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-1.

13. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 26 октябрдаги 31-тн-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 4 февралдаги 38-сон «Мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2566, 2014 йил 5 март).

2021 йил 2 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 23 майдаги 01-157-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2798, 2016 йил 9 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2798-1, 2018 йил 7 июль).

2021 йил 2 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 24 октябрдаги 19-сон «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги

қарори (рўйхат рақами 2524, 2013 йил 15 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2524-1, 2017 йил 21 декабрь).

2021 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2014 йил 25 ноябрдаги 24-сон «Биринчи гуруҳга шולי етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2640, 2014 йил 23 декабрь).

2021 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 529-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2967, 2018 йил 6 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2967-1, 2020 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 2967-2, 2021 йил 7 апрель).

2021 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 530-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2968, 2018 йил 6 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2968-1, 2020 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 2968-2, 2021 йил 7 апрель).

2021 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 531-сон «Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2969, 2018 йил 6 февраль).

2021 йил 4 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.